

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

**Умаров Бахтиёр**

**Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштириш манбалари ва  
улардан фойдаланиш йўллари**

**Мутахассислик: 5230100 – “Иқтисодиёт”**

**Бакалавр академик даражасини олиш учун**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

<b>Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга рухсат этилди: _____ Кафедра мудирини: и.ф.н., доцент Р.Б.Исмоилов «__» «_____» 2015 йил</b>	<b>Илмий раҳбар: _____ и.ф.н. доцент И.Собиров «__» «_____» 2015 йил</b>
<b>Факультет декани: _____ и.ф.н. доцент К.Ж.Маткаримов «__» «_____» 2015 йил</b>	

**Наманган-2015 йил**

# МУНДАРИЖА

## Кириш

**I-боб. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарининг тутган ўрни ва уларни молиялаштиришнинг назарий асослари .....**

**1.1-§** Иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда саноатнинг ўзига хос ўрни ва ташкилий-ҳуқуқий асослари .....

**1.2-§** Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг объектив зарурлиги, аҳамияти ва манбалари .....

**II-боб. «Мехмаш» МЧЖ да молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш ҳолати таҳлили .....**

**2.1-§.** «Мехмаш» МЧЖ нинг молиявий-хўжалик фаолияти ва асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили .....

**2.2-§.** «Мехмаш» МЧЖ да молиялаштириш манбалари, улардан оқилона фойдаланиш ҳолати ва ундаги айрим муаммолар таҳлили .....

**III-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари ...**

**3.1-§.** Саноат корхоналарида молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари .....

**3.2-§.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари .....

## Хулоса ва таклифлар

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## Иловалар

## КИРИШ

### **Мавзунинг долзарблиги.**

Республикамиз мустақилликка эришгач, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга аста-секинлик билан босқичма-босқич ўтиб борилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт бир томондан жаҳон тажрибасига таянса, иккинчи томондан ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Чунки, Ўзбекистон ўзига хос тарихга, анъаналарга урф-одатларга, сиёсий ва мафқуравий қарашларга, маънавиятига эга.

Ҳар қандай иқтисодиёт аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар ҳам аҳоли томонидан истеъмол қилинади. Шундай экан замонавий иқтисодиёт ўзига хос механизмларни, ишлаб чиқаришни ва ундан самарали фойдаланишни талаб қилади. Мамлакат иқтисодиётини бошқаришда қўлланиладиган энг муҳим иқтисодий дастаклардан бири микро кўламдаги корхоналарни хўжалик фаолияти ва улар билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тушунилади. Ана шу муносабатлар яъни ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятдаги ҳар қандай бошқа ижтимоий муносабатларини асосини ташкил этади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарни ташкил этилиши ва ривожланиб бориши мамлакатдаги аҳолини иш билан банд бўлиши ва фаровон турмуш тарзини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди. Чунки корхона инсониятни эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жамиятни бирламчи ва асосий бўғинидир.

Шу боис мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан корхоналарнинг молиявий ресурслар билан таъминлаш, шу асосда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратиш

мақсадида мамлакатимизда махсус антиинқирозий дастурлар қабул қилинмоқда. Бу борада қабул қилинган қонунлар, саноат корхоналарига яратилган қулайликлар, солиқ юкининг пасайтирилиши, янги иш бошлаган корхоналарни вақтинча солиқлардан озод этилиши, мамлакатдаги таркибий ўзгаришларда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ва шу орқали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этиш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мавзу доирасида изланишлар олиб бориш жараёнида саноат корхоналари молиявий ресурсларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш борасида, бозор муносабатлари шароитида корхоналарга, шу жумладан саноат корхоналарига аввалари бўлгани каби давлат бюджети ҳисобидан молиявий ресурслар билан таъминланмайди, балки улар орасида молиявий ресурслар, яъни пул маблағлари эркин рақобат муносабатлари остида шакллантирилади.

2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари, макроиқтисодий мутаносиблик, аҳоли ҳаёт даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш таъминланди.

“Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал курилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошганлиги эътироф этилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этганлиги, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсганлиги, инфляция даражаси эса йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди”.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир» – Президент Ислон Каримовнинг 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилда эришилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди.

Бугунги кунда корхоналарда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун қулайликлар яратиш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилади. Шу нуқтаи назардан ҳамда ушбу масала ҳозирги ислоҳотларни чуқурлашуви шароитида ниҳоятда долзарб бўлганлигидан ушбу мавзунини битирув малакавий ишига мавзу сифатида танлаб олинди.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.**

Мамлакатимизда ва хорижий мамлакатлардаги етакчи иқтисодчи олимлар мазкур масала бўйича қатор тадқиқотларни амалга оширганлар.

Жумладан, иқтисодчи олимлардан М.Альберт, Ф.Хедоури, В.Ким, С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, Т.Шарифулина, В.Пезнев, Э.Махмудов, Ш.Зайнитдинов, П.Турсунхожаев, А.Ортиқов, Г.Савицкая, Н.Зайцев, В.Дубровский, Ф.Аҳмедов, А.Ўразбеков ва бошқалар ушбу соҳа ривожини бўйича қатор ишларни бажарганлар ва маълум даражада иқтисодий самарага эришганлар. Амалга оширилган тадқиқотлар ва изланишларда мазкур масалага ҳам катта аҳамият қаратилган. Айниқса, ҳозирги иқтисодиётни модернизация қилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ушбу масала янада жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Муаммонинг ҳозирги вақтда долзарблигини инобатга олиб, уни битирув малакавий ишига мавзу сифатида қабул қилинди ҳамда мавзунинг

долзарблигидан, мақсаднинг қўйилишидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мақсад ва вазифалар белгиланди.

### **Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.**

Битирув малакавий ишининг мақсади ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда саноатнинг ўзига хос ўрни ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини назарий жиҳатдан ўрганиш;
- Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг объектив зарурияти, манбалари ва аҳамиятини кенг ёритиб бериш;
- «Мехмаш» МЧЖ да молиявий ресурслар, молиялаштириш манбалари ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлилини амалга ошириш;
- Саноат корхоналари фаолиятида молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилаш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари таклиф қилиш ва ҳоказо.

### **Битирув малакавий ишининг объекти.**

Наманган вилоятидаги «Мехмаш» МЧЖ корхонаси битирув малакавий ишининг объектини ташкил қилади.

### **Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари.**

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари қилиб Президентимиз И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида баён этилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга ошириш бўйича илгари сурилган

фикр-мулоҳазалар ва асосий йўналишлар, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодчи олимларнинг ушбу йўналишда амалга оширган илмий ишлари, хўжалик юритувчи субъектларда эришилган илғор тажрибалар олинди.

**Битирув малакавий ишининг ҳажми ва тузилиши.**

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-боб. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарининг тутган ўрни ва уларни молиялаштиришнинг назарий асослари**

### **1.1. Иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда саноатнинг ўзига хос ўрни ва ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли беқиёсдир. Шу сабабли унинг ривожини ва самарадорлигини қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Меҳнатни ижтимоий ташкил қилишнинг энг олий тури, концентрациянинг юқори даражаси ва шу асосда ижтимоий ишлаб

чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари – ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш, кўплаб ишлаб чиқариш ва узлуксиз поток системаси ёрдами билан ташкил этиш саноат соҳасида ҳукмронлик қилади.

Фақат йирик машина индустриясигина фан ва техниканинг барча ютуқларини ўзида тўплаб, мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириши ва унинг унумдорлигини юқори даражага кўтариши мумкин.

Саноат ва айниқса унинг энг муҳим соҳаси бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У моддий техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб боради.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат мамлакат мудофаа қобилиятинининг моддий манбаи, дунёда тинчликни сақлашнинг муҳим омили, мамлакатлар мустақиллигини ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлатининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашда саноатнинг роли муҳимдир.

Барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташқилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан ҳамкорлиги саноат соҳасида ҳам ўз ифодасини топади. Давлатларнинг табиий, меҳнат ресурсларидан, илм-фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишида саноатнинг аҳамияти салмоқлидир.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир. Унда

электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат моддий ишлаб чиқаришниинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда саноатнинг роли беқиёсдир. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи саноат ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келади. Шунини таъкидлаш керакки, келажакда республика саноатининг жадал суръатлар билан таъминланиши янада яхшиланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, яъни бандлик даражаси анчагина юксалади. Жамиятнинг етакчи, бунёдкор, қудратли кучи бўлган кадр (ходим)ларнинг анчагина қисми саноатда хизмат қилади. Бу тармоқнинг янада улкан ривожини саноат кадрлари сонининг ошишига ва уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси саноатининг тараққиёти юқори малакали ишчи кадрлар, муҳандис ва техник ходимларни яратди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон саноатида 1,2 миллионга яқин ходим ишламоқда. Уларнинг қарийб ярми олий маълумотли мутахассислардир, 600 мингдан ортиғи эса ўрта ва ўрта махсус маълумотли ходимлардир.

Жамият тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири саноат ходимларининг маданий – техник савияси ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасини тинмай ошиб боришидир.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – рақобат ҳам аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва ривожлана бошлади. Тадбиркорлар, ишбилармонлар беллашувнинг байроқдори бўлиб майдонга чиқдилар. Республика саноатида ҳам рақобат ўзининг оддий босқичидан энг юқори босқичига кўтарилиб, чинакам умумий дастакка айланмоқда.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлат иқтисодий сиёсатининг етакчилик ролини янада оширмоқда. Олий Мажлиснинг қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари энг аввало, саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва сезиларли самара бермоқда.

**Саноат** табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотининг ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интенсивлаштириш билан чамбарчарс боғлиқ.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Сўнги вақтларда мамлакатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан йилга ўсиб бормоқда. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

1.1.1-жадвал

**2008-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш**

	<b>2008 йил</b>	<b>2009 йил</b>	<b>2010 йил</b>	<b>2011 йил</b>	<b>2012 йил</b>	<b>2013 йил</b>	<b>2014 йил</b>
Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўзгариши, %	9,0	8,1	8,5	6,3	8,2	8,0	8,1
Саноат ишлаб чиқаришидаги йиллик ўзгариш, %	12,7	9,0	8,3	8,3	7,7	8,8	8,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон иқтисодиётининг кўрсаткичлари ижобий бўлишининг энг муҳим сабаблари – бу мавжуд саноат тармоқларининг керакли ҳажмда сақлаб қолиб, янги тармоқларни яратиш стратегияси бўлди. Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати учун реал секторни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Республикамизнинг ўз-ўзини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсати (нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда газ ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши), қўшимча қиймат яратувчи (машинасозлик, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш) соҳаларининг интенсив ривожланиши билан биргаликда олиб борилди. Шу билан бирга, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг ривожига ҳам қайд этилди.

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Натижада, мустақил иқтисодга хос бўлган даражага яқинлашиш юз бермоқда ва собиқ

иттифоқ мамлакатларида қайта ихтисослашувдан пайдо бўлаётган етишмовчилик ва тобеликнинг олдини олиш таъминланмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Ўзбекистон ўзининг олтини, пахта толаси ва ипаги, нефти ва газ, самолёт ва автомобиллари, пахта териш машинаси ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан, эксковатор ва компрессорлари, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат маҳсулотлари билан дунёга машҳурдир.

Ўзбекистон республикасининг индустриал қиёфасини энергетика, кон-руда, олтин қазиб олувчи, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатлари, электротехника ва электрон саноатлари, кўп тармоқли машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда.

**Саноат** - бу ижтимоий-иқтисодий категориядир. Демак, саноат объектив реаллик (борлик) нинг инъикоси ва юксак умумлашмасидир. Унинг алоҳида тармоқ, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб юзага келиши ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожини билан тарихий жиҳатдан боғлиқдир. Саноат ҳам объектив борлиқнинг муҳим ҳодисалари қаторида маълум давр (вақт ва фазо) да дунёга келган, муайян қонун ва қоидалар асосида ривожланган, маълум миқдор ва сифатларга, зарурият ва имкониятларга эга бўлган ҳамда зиддиятлар қурбони ҳам бўлган.

Ўзбекистон саноати ҳам ўз тараққиёти жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтган. Республика мустақилликка эришганидан сўнг саноат корхоналарида чуқур ташқилий ва иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди, илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган вазирликлар тугатилиб, «Озиқовқатсаноат» давлат-акциядорлик концерни, «Ўзмевасабзавот-холдинг» компанияси,

«Ўзгўштсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси, «Ўздонмахсулот», «Ўзбалик» давлат-акциядорлик корпорациялари ташкил этилди.

Мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичларидаёқ иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларига асосланган корхона ва бирлашмалар фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Натижада, бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратилди.

Эндиликда миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар экспорти ҳажмини янада кенгайтириш, жаҳон бозорларида муносиб, барқарор мавқе ва ўрин эгаллаш, иқтисодий ресурс ва салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланиш мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, иқтисодиётни ҳар томонлама диверсификациялаш жараёнларини тақозо этади. Ҳозирда нафақат ишлаб чиқариш, балки бошқарув жараёнларида ҳам инновацион ёндашувни қўллашнинг аҳамияти ва зарурлиги тобора кучайиб бормоқда. Айниқса, корпоратив бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хўжалик бошқаруви қарорларини қабул қилишда янгича усул ва воситаларнинг қўлланиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартига айланиб бормоқда.

Шу муносабат билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва

жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни кўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айни муддао бўлур эди.

Янги техник ва ташқилий-технологик ечимларнинг ишлаб чиқилиши, уларни қўллаш бўйича қарорларнинг қабул қилиниши, корпоратив корхоналар инновацион бошқаруви асосий тамойилларининг такомиллаштирилиши такрор ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш ҳамда иқтисодий ўсиш учун қўшимча имконият яратади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараённинг самарадорлигига корхоналарнинг инновацион бошқарув тизими ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Айниқса, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнидан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш каби модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситаларини амалга ошириш корпоратив корхоналарда ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Бу эса, корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари ҳамда уларни

янада такомиллаштириш йўллари тадқиқ этишга қаратилган мазкур битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Инновацион фаолият ўз ичига илмий янгилик ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва кенг жорий этиш жараёнларини олиб, унинг натижасида маҳсулот, хизмат, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш шакли, технологияларнинг янги турлари яратилади ёки мавжудлари такомиллаштирилади. Инновация жараёни ишлаб чиқариш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш, бозорларда ўз мавқеига эга бўлиш ва уни ушлаб қолиш, унумдорликни, пировардида ҳам корхона, ҳам яхлит иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг асосий ва мажбурий шарт ҳисобланади.

Инновацияни ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳа ва йўналишига нисбатан татбиқ этиш мумкин бўлиб, бунда мазкур соҳа ёки йўналиш фаолиятининг мазмуни сифат жиҳатидан ўзгаради ва янги тавсиф касб этади.

Корхоналар фаолиятига инновацияларни жадал татбиқ этиш, яъни замонавий техника ва технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш, энг аввало мавжуд ишлаб чиқаришни ҳар томонлама модернизациялашни зарур қилиб қўяди. “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади”.

Модернизациялаш жуда кенг тушунча бўлиб, уни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига татбиқан қўллаш мумкин. Бу энг аввало модернизациялаш жараёнини турли жиҳатларга кўра таснифлаш орқали намоён бўлади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига

олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш.

Мамлакатимизда техник модернизациялаш бўйича **тармоқ дастурлари** ишлаб чиқилиб, уларда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Жумладан, мамлакатимизда 2009-2014 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоралари дастури умумий қиймати 42,51 млрд. доллардан иборат 852 та инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади.

Республикаимизда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Бунинг натижасида 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация

жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодийётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»<sup>2</sup>. Фикримизча, бу модернизацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жихатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушунишда иқтисодчи олим Р.Нуреев унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини фарқлайди. Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан, энг аввало, хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжаликнинг замонавий тармоқларининг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади<sup>3</sup>.

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан индустриаллашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўлароқ «замонавий очиқ тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи

---

<sup>2</sup> <http://ekonomic.doco.ru>.

индустриалаштириш, секуляриштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим ўрин тутди.


Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Шу ўринда модернизациялаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда

---

<sup>3</sup> Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. 2005 йил.

такомиллаштириб борувчи жамият аъзолари дунёқараши, тафакқурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

### 1.1.1-расм. Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари<sup>4</sup>



Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадикки, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш – замон талабидир. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторида муносиб ўрин эгаллаш, миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатдошлигини таъминлаш, шу асосда экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш мавжуд соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида модернизациялашни тақозо этади. Айни пайтда, жаҳон бозоридаги эҳтиёж ва талабнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётимиз таркибий тузилмасини такомиллаштириб бориш, бу мақсадда янги, замонавий тармоқларни барпо этиш ва жадал ривожлантириш лозим бўлади.

<sup>4</sup> Манба: Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

Шу ўринда Президентимиз томонидан бир неча бор таъкидланган муҳим масалага эътиборни кучайтириш лозим. Бу масала – мамлакатимизнинг қай бир ҳудуди бўлишидан, унинг иқтисодий ресурслар ва салоҳиятга қанчалик бойлигидан қатъий назар, ушбу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида барча кучларни сафарбар этиш лозим. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳудудларида тармоқ Дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳаларга кўра, қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳар бир ҳудуд раҳбарлари, етакчи мутахассис ва ходимлари, қолаверса, шу ҳудуднинг барча аҳолиси ўз куч-қувват ва имкониятларидан юқори даражада фойдаланиши лозим бўлади. Айниқса, ҳудуд раҳбарлари ушбу кучларни мақсадга мувофиқ йўналтиришлари, уларни ўзаро уйғун ҳолда жамият манфаатлари остида бирлаштиришлари лозим бўлади. Иқтисодиётнинг янгидан-янги тармоқлари ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тобора кенгайиб бораётган бир шароитда кўплаб инвестицион дастурларни ҳудудлар кесимида ҳам амалга ошириш ва бу орқали уларнинг ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

## **1.2. Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг объектив зарурлиги, аҳамияти ва манбалари**

**Молиявий ресурслар** – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва жамғармалари йиғиндиси.

Молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, унинг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш масштаблари қанча йирик, унинг самарадорлиги юқори бўлса, молиявий ресурсларнинг ҳажми шунча катта бўлади. Ўз навбатида, ишлаб

чиқаришга жалб қилинган молиявий ресурслар унинг ўсишига ва такомиллашувига шарт-шароит яратади.

Молиявий ресурсларнинг шаклланишида ЯИМ ва миллий даромаднинг барча элементлари қатнашади.

Молиявий ресурсларнинг манбалари куйидагилардир:

**1. Миллий даромад.** Миллий даромаднинг *соф даромад* қисми молиявий ресурсларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

**2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар.** Бу манбага айниқса, мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият берилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг 1-босқичидаёқ (1992-94 йиллар) Ўзбекистон БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа иттифоқи Комиссияси каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан фаол иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Дастлаб ХВФдан 74 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкдан 160 млн. АҚШ доллари, 1993-94 йил ичида 21 мамлакатдан жами 75 млн. доллар миқдорида турли мақсадларга мўлжалланган ёрдам олинди. Ташқи савдо обороти йилдан йилга ошиб бормоқда.

**3. Миллий бойликнинг бир қисми** – бюджет маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи қолдиқлари.

- *сузурта ташкилотларининг резерв фондлари;*

- мамлакат олтин заҳираларининг бир қисмини сотишдан тушган тушум;

- *ортиқча мулкларни сотишдан тушум ва бошқа.*

**4. Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:**

- *банк кредитлари;*

- *кредиторлик қарзлари;*

- *акция ва аблигациялар чиқаришдан тушум.*

Молиявий муносабатларнинг турли-туманлиги молиявий ресурсларнинг ҳам турли-туманлигини келтириб чиқаради.

Молиявий ресурсларнинг асосий элементлари куйидагилардир:

- *фойда;*
- *турли солиқлар (ҚҚС, акцизлар, фойда солиғи, мулкый солиқлар, даромади);*
- *суғурта ташилотларининг маблағлари;*
- *амортизация ажратмалари;*
- *ташқи иқтисодий алоқалардан тушум;*
- *аҳолидан тушумлар.*

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир катор омиллар таъсир кўрсатади. Молиявий ресурсларнинг ўсиши мамлакат миллий даромадининг ҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, миллий даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини ошиши.
2. Меҳнат унумдориги.
3. Фонд сифимининг камайиши.
4. Фонд қайтимининг ошиши.
5. Фонд билан қуролланишнинг яхшиланиши.

Шунингдек, молиявий ресурсларнинг ҳар бир элементларининг ошишига таъсир қилувчи омиллар мамлакат молиявий ресурсларининг абсолют ва нисбий миқдорларда ўсишига таъсир кўрсатади. Хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслар марказлашган молиявий ресурслар бўлиб, улар:

- *капитал қўйилмаларга;*
- *айланма маблағларнинг ошишига;*
- *фан-техника ютуқларини жорий қилишни молиялаштиришига;*
- *табиат муҳофазасига;*
- *ижтимоий мақсадларга сарфланиши мумкин.*

Макродаражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини *марказлашган молиявий ресурслар* орқали қондирилиб, уларга бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари киради.

Корхонанинг молиявий натижаси – бу хужалик юритувчи субъект ихтиёрида бўлган ва молиявий мажбуриятларни бажариш учун қайта ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ҳамда ходимларни иқтисодий рағбатлантиришга мўлжалланган пул даромадлари ва тушумларидир.

Молиявий ресурсларни шакллантириш узлик маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар, молиявий бозордаги ресурсларни йиғиш ва молия-банк тизимидаги қайта таксимлашдан тушадиган пул маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Молиявий ресурсларнинг бирламчи шаклланиши корхона таъсис этилган вақтда, яъни устав фонди ташкил этилганда содир бўлади. Унинг манбалари: акционерлик капитали, пай бадаллари, тармоқдаги молиявий ресурслар, узок муддатли кредитлар, бюджет маблағлари ҳисобланади. Устав фонди миқдорини ишлаб чиқариш жараёнига инвестицияланган пул маблағлари (асосий ва айланма) миқдори (размери, улчови) курсатади.

Харакатда бўлган корхонанинг молиявий ресурсларининг асосий манбаи сифатида сотилган махсулот (курсатилган хизмат) нинг нархи катнашади ва тушумни таксимлаш жараёнида унинг турли қисмлари пул даромадлари ва жамгармалари шаклини олади. Молиявий ресурслар асосан фойда (асосий ва бошқа фаолият турларидан) ва амортизация ажратмалари ҳисобига шаклланади. Шу билан биргаликда молиявий ресурслар манбаларига: эскирган мулкни сотишдан тушган даромад, баркарор пассивлар, турли мақсадли тушумлар (мактабгача бўлган муассасаларда болаларни боқиш ва б.к.), қурилишда ички ресурсларни йиғиш кабилар ҳам киради.

Хусусийлаштириш шароитида яна бир манба – бу меҳнат жамоаси аъзоларининг пай ва бошқа бадалларидир. Сезиларли даражадаги молиявий

ресурслар молиявий бозор йиғиши мумкин; акция, облигация сотиш, кредит инвестициялари ва б.к.

Бозор иктисодиёти шароитида сугурта компаниялари томонидан туланидиган сугурта копланлари катта роль уйнайди, бюджет ва соҳадаги молиявий манбаларнинг роли эса камайиб бормокда. Қимматбаҳо қоғозлар буйича фоиз ва дивидендлар ҳамда молиявий операцияларни утказишдан келадиган фойда каби молиявий ресурс турлари пайдо бўлмокда.

Корхонанинг молиявий ресурсларини ишлатиш куйидаги йўналишлар буйича амалга оширилмокда:

- Молиявий мажбуриятларни бажаришда тегишли молия-бюджет тизимидаги органларга тўловлар (бюджетга солиқ тўловларини тулаш, ишлатилган кредит учун фоиз тулаш ва б.к.);
- Технологияни янгилаш, ноу-хау, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва б.к. билан боғлиқ бўлган капитал харажатларига узлик маблағларини жалб қилиш;
- Молиявий бозордан сотиб олинандиган қимматбаҳо қоғозлар учун молиявий ресурсларни жалб қилиш; акция, облигация ва бошқалар;
- Молиявий ресурслар ижтимоий рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган пул фондларини ташкил этиш учун йўналтирилган;
- Молиявий ресурсларни хайрия, ҳомийлик ва бошқа мақсадлар учун ишлатиш.

Хар қандай корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни моддий-техник асосини асосий ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади. Бозор иктисодиёти шароитида янги очилаётган корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари бирламчи шаклланиши устав фондларининг бир қисми ҳисобланган асосий воситалар ҳисобига амалга оширилади.

Асосий воситалар – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий фондларга жалб қилинган пул маблағларидир.

Асосий фондларни сотиб олиш ва уларни корхона балансига кушиш вақтида асосий фондлар ва корхона балансига кушилган асосий маблағлар миқдори сон жиҳатдан асосий фондлар нархига мос келади. Кейинчалик асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнига катнашишига караб уларнинг баҳоси иккига бўлинади: унинг бир қисми тайёр маҳсулотга утказилган эскиришга тенг бўлса, иккинчиси – ҳаракатдаги асосий фондларнинг қолдиқ баҳосини ақс эттиради.

Тайёр маҳсулотга утказилаётган асосий фондлар баҳоси ҳар доим маҳсул амортизация фондига пул маблағлари шаклида йиғилади. Бу фонд йил давомидаги амортизация чегирмаларини ва асосий фондларни (бутунлай ёки бир қисми) кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш учун ишлатиш ёрдамида шаклланади. Эксплуатациядан чиққан асосий фондларни ўзгартириш давригача ажратилган амортизация вақтинча буш бўлади ва қайта ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қушимча манба сифатида ишлатилиши мумкин. Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни фақатгина амортизация чегирмалари ҳисобига таъминлаб бўлмайди, чунки улар асосан оддийгина қайта ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Шунинг учун капитал қўйилмаларининг асосий қисми миллий даромаддан таъминланади, бу ерга аввало узилик молиявий ресурслар (акционер ва пай капитал) ҳамда молиявий бозордан жалб қилинган (қурилиш-монтаж ишлари иктисодиётдан) фойда (хужалик усулида бажариладиган) ва кредит ресурсларини жалб этиш киради. Корхонанинг молиявий ресурслари таркибида фойда алоҳида уринга эга. Бундан ташқари қурилишнинг узидаги маблағларни йиғиш, эскирган мулкни сотишдан тушган маблағлар, уй-жой қурилишлари ва маҳсул ривожлантириш фондлар маблағлари ҳам ишлатилади. Бюджет маблағларининг капитал харажатларига ажратилиши, бир хил техник сиёсат олиб боришни таъминлайди. Бозор шароитида бюджет томонидан молиялаш, мақсадли субсидиялар (инвестицион ассигнациялаш) ва инвестицион солиқ кредити орқали амалга оширилади.

Корхона махсулот ишлаб чиқариши учун асосий фондлар билан бирга уз ичига ишлаб чиқариш захираларини (хом ашё, материал, ёкилги ва б.к.), тугалланмаган ишлаб чиқариш колдигини ва давр харажатларини олувчи айланма ишлаб чиқариш фондлари хам керак. Ҳисобдаги маблағлар корхона кассасидаги пул маблағлари ва унинг банк ҳисоб рақамидаги маблағлар муомала фондлари дейилади. Хар қандай корхона ишлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларидан бир вақтда фойдаланиш керак.

Айланма ишлаб чиқаришни муомала фондларига бунакланган пул маблағлари корхонанинг айланма маблағларини ташкил этади.

Айланма маблағларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, у хужалик фаолиятини нормал амалга оширишда ишлаб чиқариш жараёнини тарк этмайди: айланма маблағлар сарфланмайди, балки корхонанинг турли куринишидаги харажатларига қўйилади. Ишлаб чиқариш фондларининг айланишига хизмат кўрсатиб (П-Т. . . Б. . . Т\*-Д\*) айланма маблағлар (П) турли ишчи (функционал) шаклларга эга бўлади; материаллар (Т), самарадорлик (С), махсулот (М) ишлаб чиқариш цикли тугаши билан яна узининг пул (П) шаклига қайтади.

Корхона айланма маблағларини шакллантириш учун узлик ва қарз ресурсларидан фойдаланилади.

Узлик айланма маблағларини шакллантириш корхонани ташкил этиш вақтида, яъни устав фонд тузилганда содир бўлади.

Шаклланган маблағларига акционерлик капитали, пай бадаллари, баркарор пассивлар, бюджет маблағлари, маблағларни қайта таксимлаш киради. Айланма маблағларни самарали ишлатиш корхона фаолияти молиявий натижасига таъсир қурсатадиган ўзлик айланма маблағлар мавжудлиги ва уларнинг ҳолатини қурсатади. Ўзлик айланма маблағлар ва қарз айланма маблағлари орасидаги муносабат корхонани молиявий баркарорлик даражасини ва унинг молиявий бозордаги ҳолатини қурсатади

(«банкротлик тугрисидаги конундан»). Корхонанинг тўлов қобилияти унинг савдодан, кредит ва пул характерига эга бўлган бошқа операциялардан келиб чиқадиган тўлов мажбуриятларини тўлиқ ва уз вақтида бажариш имкониятини аниқлайди.

Тўлов қобилияти корхонанинг мавжуд ресурслари ва унинг тўловлари ҳамда жорий пул тушумлари орасидаги муносабатни ҳисобловчи махсус коэффициентлар орқали топилади. Корхонанинг қарз мажбуриятлари томонидан тўлов қобилияти унинг ликвидлигини (ҳаракатчанлигини) ифодалайди, яъни корхонанинг хоҳлаган вақтда зарур харажатларини амалга ошириш имкониятидир. Ликвидлик - қарз миқдори ҳамда нақд пул маблағлари, балансидаги, ҳисоб рақамдаги ресурслар, қимматбаҳо қоғозлар ва осон сотиладиган айланма маблағларни ўз ичига олувчи маблағлар ҳажмига боғлиқ.

Айланма маблағларнинг айланиши - бу уларни ишлатиш самарадорлигини характерловчи қураткич ҳисобланади (материал ресурсларини иқтисод қилиш, уларни бир маҳсулот буйича қамайтириш).

Фойдани таксимлашнинг асосий принциплари (тамоийллари):

- Биринчи навбатда, давлат олдидаги молиявий мажбуриятларни бажариш;
- Фойда ҳисобига кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни максимал таъминлаш;
- Фойдани ходимларни моддий рағбатлантиришга ишлатиш;
- Фойдани ижтимоий – маданий эҳтиёжларга йўналтириш.

Молиявий режалаштириш молиявий манбаларни аниқ (реал) қайтариб олишга қаратилган. Бу узлик ёки жалб қилинган, ёинки уларнинг капитал унумдорлигини ошириш имконияти билан боғлиқ. Бунинг учун режалаштириш мобайнида асосий ва айланма фондларни сотиб олиш йўллари, ишлаб чиқариш ходимлари малақасини ошириш олдиндан аниқ равшан қуриб чиқилади.

Молиявий режа тузиш тамойиллари:

- Олинаётган кайтим даражаси фарқини ва юкори рентабилликни таъминловчи харажатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир;
- Молиявий харажатларни уларни коплаш муддати билан мослаштириш керак. Узоқ муддатли харажатларни танлашда молиялашнинг иктисодий усуллари куриб чиқиш лозим;
- Юкори молиявий кайтимли харажатлар учун баланслаштирилган таваккалчиликни таъминлаш керак. Аммо таваккалчиликнинг усиши билан харажатларга жалб қилинган маблағларнинг рентабеллиги камаяди;
- Инфляция жараёнини ҳисоблаш зарур.

Молиявий режа турт қисмдан иборат:

1. Даромадлар ва маблағлар тушуми. Бу қисмга корхонани банкдан ва давлатдан ташқари олган барча молиявий ресурслари киради (бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар). Бу қисм курсаткичлари таркибига асосий фаолиятдан фойда, инвестицион фаолиятдан фойда, кимматбаҳо қоғозлар буйича фоизлар ва дивидентлар, шартномалар буйича даромадлар, илмий-тадқиқот хусусиятига эга ишлар учун, амортизация чегирмалари, ҳисобдан чиққан мулкни сотишдан даромад, пассивларнинг усиши ва б.к. киради.
2. Харажатлар ва маблағларни қисқартириш (чиқариш). Бу кенгайтирилган ишлаб чиқариш молиявий ресурсларининг ишлатилишини, фаолиятнинг яхши натижаларини рағбатлантиришни, операцион ва бошқа харажатларни акс эттиради. Бу қисмга яна капитал қўйилмалари, иктисодий рағбатлантириш фондларига чегирмалар, кимматбаҳо қоғозлар сотиб олишга сарфланган харажатлар, хайрия фондларига чегирмалар ва б.к. киради.

3. Кредитли ўзаро алоқалар корхона олган қарзларини, уларни қайтаришни ва олинган кредитлар учун фоизлар тулашни назорат қилувчи банк ташкилотлари билан. Бу қисм икки бўлимдан иборат: даромад бўлимида корхона олган қарзлари акс эттирилади. Харажат бўлимида эса қарзларни ишлатганлиги учун фоиз тўловлари ва қарзни тулаш курсатилади.
4. Корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан узаро муносабати – бу даромад ва харажат қисмидан иборат. Бир томондан, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга солиқ тўловлари, иккинчи томондан эса олинаётган ассигналлашлар. Молиявий режа чоракларга бўлинган ҳолда бир йил учун тузилади.

## **II-боб. «Мехмаш» МЧЖ да молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш ҳолати таҳлили**

### **2.1. «Мехмаш» МЧЖ нинг молиявий-хўжалик фаолияти ва асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихи ва мустақиллик давридаги тараққиётида Наманган вилояти ўзининг бой ўтмиши, маданияти саноати, қишлоқ хўжалиги каби тармоқларда эришилган натижалари билан алоҳида ўрин эгаллаб келган.

Наманган вилояти саноати асосан енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридан иборат. Саноат корхоналарининг асосий қисми Наманган саноат тугунида жойлашган. Темирйўл, автомобил транспорти ҳам яхши ривожланган.

Наманган вилояти ҳудудидан Фарғона водийсини пойтахт - Тошкент, шунингдек, республикаимизнинг бошқа жойлари билан боғловчи иккита тоғ туннели ўтади. Кўплаб тўқимачилик ва озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи йирик корхоналари қаторида машҳур Чортоқ шаҳридаги курорт масканлари каби шифобахш сувга эга санаторийлар вилоятнинг ҳақиқий маънодаги фахри саналади.

Хуллас, вилоятда иқтисодий имконият ва салоҳият, замонавий инфратузилма мавжуд бўлиб, айни пайтда уни янада такомиллаштириш зарурати ҳам йўқ эмас, бунинг учун дунё тажрибасида аниқланганидек, инвестиция жалб қилиш асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирда шу мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалиётга қўллаш борасида муайян ишларга киришилган.

Бунда аввало мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 6 июлдаги 3215-сонли Фармойишига мувофиқ тасдиқланган "2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш дастури" катта аҳамият касб этмоқда.

Мазкур дастурнинг ижроси албатта вилоят саноатининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, ушбу саноат маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, унинг натижаларига қараб ривожланиш йўналишлари ва стратегиясини белгилаш табиий ва зарур жараён ҳисобланади. Мазкур жараён иштирокчиси ҳисобланган давлат органларидан бири Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотларига кўра, Наманган вилоятида "Нестле-Узбекистан", "Тип-Топ" каби қатор кўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Умуман, вилоятда 58 та хориж капитали асосидаги кўшма корхона рўйхатдан ўтган. Таҳлилларга кўра, ҳудудда тўқимачилик, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш йўналишини ривожлантириш мумкин. Бундан ташқари маиший техникаларни ишлаб чиқариш, электроника ва хизмат соҳасини ривожлантириш ҳам мақбул йўналишлар ҳисобланади.

Вилоятимизда саноат корхоналари фаолияти тўғрисида гап кетганда, “МЕХМАШ” МЧЖ нинг ўзига хос ўрни мавжуд.

Ҳозирги кунда жамият пўлат қувурлар ва бошқа турдаги металлоконструкциялар ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Жамият томонидан қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган:

Чокли пўлат қувурлар;

Автоматлаштирилган саноат ва уй иссиқхона мажмуалари;

Инкубаторлар;

Турли қишлоқ хўжалик техника воситалари;

Зараркунанда хашаротларга қарши кураш биологаториялари;

Ва бошқа турдаги металл маҳсулотлар.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёни мустахкам алгоритмга асосланган, ҳар бир ишлаб чиқариш ҳудудида сермахсул ва сифатли иш учун қулай шароитлар яратилган. Ишлаб чиқариш жараёни лойиҳалаштиришдан бошланади. Буюртмачини талабини қондириш учун жамиятда янги

конструктив шакл ва элементлар устида доимо ишловчи юқори малакали лойихаловчи муҳандислар гуруҳи иш олиб боради. Лойихалаштириш замонавий ускуналарда ихтисослашган компьютер дастурлар ёрдамида амалга оширилади. Завод ўз ихтиёрида ҳар қанадай оғир ва хажмли буюртмани ўз вақтида ва юқори техник даражада бажариш учун етарли ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводнинг умумий майдони 4 га бўлиб, ундан 19 минг м<sup>2</sup> ни ишлаб чиқариш бинолари эгаллайди.

Жамият муҳандис-техник жамоаси 30 дан ортиқ тажрибали мутахассис, конструкторлар, технологлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ходимлардан иборат. Ишлаб чиқариш цехлари ҳар бири юк олуви 5 дан 35 тоннагача бўлган козловой кранлар билан жиҳозланган. Компания таркибига қуйидаги бўлимлар киради:

Тайёрлаш ҳудуди – кесиш ва бошқа тайёрлов ишлари учун зарур бўлган ускуналар билан жиҳозланган: лист ва фасон учун қайчилар, лента арра, термик ва плазмали кесиш учун сонли дастурий бошқарув аппаратлари ва бошқа ускуналар.

Бўёққа тайёрлов майдони – кумпуркагичли ускуна билан жиҳозланган;

Бўёқ майдони – хаво ва хаво босимсиз бўяш аппаратлари билан жиҳозланган.

ТНБ – тайёрлаш жараёни ва жамият томондан ишлаб чиқарилган ҳар бир металлоконструкция сифатини назорат қилади. Пайвандалашдан сўнг қувурларни пайвандланган чоклари дефектоскопда компьютер назоратидан ўтади.

Металл ва тайёр маҳсулот омбори иккита 7 тонналик козловой кран ва учта 20 тонналик кўприк крани билан жиҳозланган.

Лойихалаштириш ва ишлаб чиқаришдан ташқари жамият металлоконструкцияларни сифатли монтаж ишларини олиб боради. Малакали техник мутахассислар монтаж ишларини энг қисқа муддат ичида амалга оширадilar, бунинг учун бизда керакли ихтисослашган техника

воситалари мавжуд. Монтаж сифати ускунани ишлатиш муддати ва инсонларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ, шунинг учун қурилиш монтаж ишларига қаттиқ талаб қўйилган. Завод шунингдек ностандарт буюмларни ишлаб чиқаришга буюртма олади. Уларни ишлаб чиқаришда энг масулиятли иш босқичи бу конструктор ва лойихаловчиларнинг ишидир. Заводнинг конструктор бюросини мутахассиларини тажриба ва профессионаллиги туфайли жамият мураккаб қурилиш металлоконструкцияларини кейинчалик ишлаб чиқариш ва ишга тушириш учун лойихалаштиришни амалга оширмоқда. Жамиятда ностандарт металлоконструкцияларни поликарбонат, шиша, дарахт ва бошқа материаллар билан биргаликда ишланган ҳолатда буюртма бериш имконияти мавжуд.

2.1.1-жадвал

**“Мехмаш” МЧЖ нинг жами мулки таркиби тўғрисида маълумот**

Балансинг активи	Йил бошига		Йил охирига		Фарқи		Ўсиш суръати
	Минг сўм	Жамига нисбатан % да	Минг сўм	Жамига нисбатан % да	Минг сўм	%	%
Асосий воситалар ва обаротдан ташқари активлар (қолдиқ баҳода)	3466465	8.50	2818600	7.27	-647865	-1.23	81.31
Айланма маблағлар шу жумладан;	36597725	89.80	34907553	90.15	-1690172	0.35	95.38
Заҳира ва ҳаражат	8450029	20.73	11558199	29.85	+3108170	9.12	136.78
Пул маблағлари ҳисоб-китоб ва бошқа активлар	22470639	55.13	17227344	44.49	-5243295	-10.64	76.66
Жами мулк	40752852	100	38720899	100	-	-	-

Манба: “Мехмаш” МЧЖ маълумотлари асосида тайёрланган.

2.2.1-жадвалда “Мехмаш” МЧЖ нинг жами мулки таркиби тўғрисида маълумотлар акс этирилган. 2014 йил бошида асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар йил бошида 3466465 минг сўмни, йил якунида эса 2818600 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йиллар орасидаги фарқ – 647865 минг сўмни ташкил этган. Ўсиш суръати эса 81,31 % га тенг. Айланма маблағларда ҳам салбий томонга ўсишни кўришимиз мумкин, яъни айланма маблағлар йил бошига 36597725 минг сўмни, йил охирига эса 34907553 минг сўмни ташкил этиб, улар орасидаги фарқ эса – 1690172 минг сўмдир. Ўсиш суръати эса 95,38 % ни ташкил этган. Лекин захира ва ҳаражатлар йил бошига нисбатан йил охирида 3108170 минг сўмга ўсган, ўсиш суръати эса 136,78 % ни ташкил этган. Пул маблағлари, ҳисоб-китоб ва бошқа активларда ҳам камайиш кузатилган, яъни йил бошига нисбатан йил охирида – 5243295 минг сўмга камайган. Ўсиш суръати эса 76,66 % ни ташкил этган.

“Мехмаш” МЧЖ корхонасида ходимларни бошқариш муаммосига икки хил ёндашув орқали яъни, меҳнат ресурсларини бошқариш ва ходимларни бошқариш орқали ёндошилади.

Агар биринчи ёндашув давлат микесидида бандлик ва уни мувофиқлаштириш вазибаларидан келиб чиқса, иккинчи ёндашув бевосита корхона даражасидидаги муносабатлари ва уларни мувофиқлаштиришдан келиб чиқади. Ходимларни бошқариш деганда корхонада банд булган кишилар салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш, уларнинг нормал фаолият курсатиши учун зарурий шарт шароит яратиш буйича узаро боғланган ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар тизими тушунилади.

Ходимларни танлаш бу икки томонлама жараёндир. Бир томондан корхона даъвогарни иш билан таъминлаш еки таъминламасликни ҳал килса, иккинчи томондан даъвогар агар ишга таклиф килинса, у бу таклифни қабул килиши керакми еки керак эмаслигини ҳал этади. Бу жараёнда ҳар бир даъвогарни оилавий хотиржамлигини суриштириб кўриш лозим. Биринчи

навбатда шуни таъминламоқ керакки, ишга қабул қилинаётган одам музокаралар чоғида ўзининг бўлажак ишини барча хусусиятларини тасаввур қилсин, келгусида кутилмаган ҳолларга йўлиқмасин.

“Мехмаш” МЧЖ корхонасининг бошқарувчиси доимий тарзда корхона меҳнат салоҳиятини назорат қилиши ва уни тўғри бошқаришни йўлга қуйиши мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда - кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир. Таҳлил қилиш учун уни натурал ва қиймат кўрсаткичларида ифодалаш лозим. Бу унинг таркибида намоён бўлади. Меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

2.1.2-жадвал

**“Мехмаш” МЧЖ ходимларининг сони ва ўзаро нисбати таҳлили**

№	Ходимлар таркиби	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		киши	%	киши	%	киши	%
1	Асосий ишлаб чиқариш ходимлари	75	83,3	63	84,0	67	82,7
2	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари	5	5,6	4	5,3	6	7,4
3	Инженер-техник ходимлар	6	6,7	5	6,7	5	6,2
4	Маъмурий бошқарув ходимлари	4	4,4	3	4,0	3	3,7
Жами		90	100	75	100	81	100

Манба: “Мехмаш” МЧЖ нинг йиллик ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2011 йилда корхона фаолиятида жами ходимлар сони 90 кишини ташкил этган ҳолда, асосий ишлаб чиқариш ходимлари 75 кишини ташкил этган. Маъмурий бошқарув ходимлари 4 кишидан иборат бўлиб, булар бош директор, 2 та директор ўринбосарлари ва бош ҳисобчи ҳисобланса, инженер-техник ходимлар 6

кишини ташкил этади, ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари 5 кишини ташкил этган.

2013 йилда эса мавжуд ходимларнинг 67 нафари асосий ишлаб чиқариш ходимларини, 3 нафари маъмурий бошқарув ходимларини, 5 нафари инженер техник ходимларни, шунингдек 6 нафари ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларини ташкил этган. Эътиборлиси, маъмурий бошқарув ходимларини қисқартириш натижасида 2 та директор ўринбосари лавозимидан бири қисқартирилган.

2.1.3-жадвал

**Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни  
аниқлаш ҳисоб-китоби**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2011 йил</b>	<b>2013 йил</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>	<b>Ўзгариш суръати, %</b>
1. Меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик сони, киши	90	81	-9	90,0
2. Шу жумладан, олий маълумотли мутахассилар, киши	12	14	+2	116,6
3. Ишга қабул қилинганлар, киши	10	11	+1	110,0
4. Ишдан бўшатирилганлар, киши	25	6	-19	24,0
5. шу жумладан, салбий асослар билан бўшатирилганлар, киши	2	2	-	-
6. Кадрлар қўнимсизлиги коэффиценти	0.16	0.08	-0.08	-

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган.

Корхонада ходимлар сони 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 15 тага камайган бўлса, йил давомида 25 нафар ходим турли сабабларга кўра, ишдан бўшатирилган. Шу билан бир қаторда 10 нафар ходим ишга қабул қилинган. Натижада йил охирига келиб ходимлар сони умумий ҳолатда йил бошига нисбатан 15 нафарга камайган.

2013 йилга келиб, 11 нафар ишчи-ходимлар ишга қабул қилинган. Ишдан бўшатирилганлар сони эса камайган, яъни 6 нафарни ташкил қилган.

Саноат корхонасида ишчи кучи салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Кўриниб турибдики, корхонада меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичлари юқорида даражада эмас.

2010 йилда корхона томонидан инкубаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Хажми 700 дан 1056 тагача товуқ тухуми сиғадиган инкубаторлар намлик даражаси, ҳарорат ва тухумларни тўнтарилишини тартибга солиш автоматик системалари билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда фермер ва тадбиркорлар орасида ушбу маҳсулотга бўлган талаб ошиб бормоқда.

2.1.4-жадвал

**“Мехмаш” МЧЖ нинг даромадлари тўғрисида маълумот (минг сўм)**

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2014 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариш (+;-)
1	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	4854854,8	1282237,9	-3572616,9
2	Маҳсулотларни сотишдан ялпи фойдаси	2349248,6	583054,9	-1766193,7
3	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	15634,0	99933,0	+84299
4	Асосий фаолиятнинг фойдаси	2154103,1	190017,2	-1964085,9
5	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	14166,8	50739,3	-1365868,7
6	Дивидендлар шаклидаги даромадлари	27,0	6,8	-20,2
7	Фоиз шаклидаги даромадлари	0,0	1743,5	+1743,5
8	Валютанинг курс фаркидан даромадлари	14106,0	33600,0	+19494
9	Даромад солиғи тўлангунга қадар фойда	2149501,7	235869,5	-1913631,5
10	Хисобот даврининг соф фойдаси	1808414,4	160641,5	-1647772,9

Манба: “Мехмаш” МЧЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

2.1.4-жадвалда “Мехмаш” МЧЖ нинг даромадлари тўғрисида маълумот акс этирилган. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўрадиган бўлсак, 2014 йилда жамият асосан фоиз шаклидаги, валюта курси фарқидан, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисобига ўз даромадларини оширган. Лекин жамиятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари бўлган маҳсулотларни сотишдан соф тушум, маҳсулотларни сотишдан ялпи фойдаси, асосий фаолиятнинг фойдаси каби кўрсаткичлар бўйича ўз даромадларини ўтган йилларга нисбатан ошира олмаган.

2.1.5-жадвал

**“Мехмаш” МЧЖ нинг ҳаражатлари тўғрисида маълумот (минг сўм)**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013 йил</b>	<b>2014 йил</b>	<b>2014 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариш (+;-)</b>
1	Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	2505606,2	699183,0	-1806423
2	Давр ҳаражатлари	210779,5	492970,7	+2821912
3	Сотиш ҳаражатлари	68426,6	34342,6	-34084
4	Маъмурий ҳаражатлари	76455,5	301226,8	+235329,4
5	Бошқа операцион ҳаражатлар	65897,4	157401,3	+91503,9
6	Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар	18768,2	4887,0	-13881,2
7	Фоиз шаклидаги ҳаражатлар	0,0	4887,0	+4887,0
8	Даромад солиғи	341087,3	75228,0	-265859,3

Манба: “Мехмаш” МЧЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

2.1.5-жадвалда “Мехмаш” МЧЖ нинг харажатлари тўғрисида маълумотлари акс эттирилган. Жамият ўз фаолиятини олиб бориш даврида кўплаб кўрсаткичлар бўйича ўз харажатлари камайтира олган. Сотилган махсулотларнинг таннархи 2013 йилда 2505606,2 сўм, 2014 йилда 699183,0 сўмни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан таннарх 1806423 сўмга камайган.

Жамиятнинг давр харажатлари эса 2013 йилда 210779,5 сўмни, 2014 йилда эса 492970,7 сўмни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан эса давр харажатлари 2821912 сўмга кўпайган. Шунингдек маъмурий харажатлар ва фоиз шаклидаги харажатлари ҳам бироз кўпайганини кўрамиз.

“Мехмаш” МЧЖ да меҳнатга ҳақ тўлаш ва иш ҳақи фондининг сарфланишини кўрадиган бўлсак, қуйидаги жадвалга эътиборни қаратамиз (2.1.6-жадвал).

2.1.6-жадвал

**“МЕХМАШ” ОАЖ да молиявий натижалар тўғрисида маълумот**

№	Асосий иктисодий молиявий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил
1	Махсулот сотишдан тушум	Млн сўм	20034,89	23424,76	39651,14
2	Соф фойда	Млн сўм	789,56	1646,64	4845,61
3	Жами махсулот ишлаб чиқариш	Млн сўм	19038,70	26955,64	40142,73
4	Бир киши ҳисобига ўртача меҳнат унумдорлиги	Млн сўм	211,54	359,41	495,59
5	Ўртача рентабеллик даражаси	%	3,9	7,0	12,2
6	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси	%	71,9	66,7	67,1
7	Ўртача ишловчилар сони	киши	90	75	81
8	Жами йиллик иш ҳақи фонди	Минг сўм	491508,0	515070,0	632286,0
9	Ўртача ойлик иш ҳақи	Минг сўм	455,1	572,3	650,5

Манба: “Мехмаш” ОАЖ маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона 2012-2014 йилларда иқтисодий ўсишга эришган. 2014 йилда корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушум 39651,14 млн. сўмни ташкил этган. Бу эса 2013 йилга нисбатан 16226,38 млн. сўмга, 2012 йилга нисбатан эса 19616,25 млн. сўмга ортиқ демакдир. Соф фойда эса 2014 йилда 4845,61 млн. сўмни ташкил этган ва 2012, 2013 йилларга нисбатан ўсишга эришилган.

МЧЖ да меҳнатга ҳақ тўлаш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ортиши ҳамда иш ҳақларини мунтазам ошириб борилиши натижасида корхонада ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари ҳам ўзгармоқда.

Меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича расмийлаштириладиган бошланғич ҳужжатлар белгиланган муддатда бухгалтериянинг иш ҳақини ҳисоблаш бўлимига топширилади. Бошланғич ҳужжатлар бухгалтерия ходимлари томонидан текширилади, сўнгра қайта ишлаш учун машина-ҳисоблаш бюросига ёки машина-ҳисоблаш станцияларига юборилади. Бошланғич ҳужжатларни қайта ишлаш дейилганда ишчининг бажарган ишини ишбай нархига купайтириш йул билан иш ҳақини ҳисоблаш тушунилади. Қайта ишланган ҳужжатлар, ишчиларнинг табел ракамлари бухгалтерияда цехлар бўйича гурухланади ва ишчининг иш ҳақи унинг шахсий счёти ёки варакаларига ёзиб борилади. Иш ҳақи ва бошқа ҳисоб ишлари ҳисоблаш машиналари ёрдамида бажариладиган корхоналарди қайта ишланган бошланғич ҳужжатлардаги маълумотлар асосида қуйидагилар тузилади:

- 1) ҳисоблаш ведомости;
- 2) ҳисобланган иш ҳақининг ишлаб чиқариш счётлари ва ҳаражат моддалари ўртасида таксимлаш ведомости;
- 3) иш ҳақи сарифи бўйича меъёрдан четга чиқиш ведомости ва бошқалар.

Жамият томонидан Президентимиз И.А.Каримов маърузаларидан ҳамда инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чоратадбирларни, бу борада фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишга ва уларни амалиётга жорий этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти асосан кенг истеъмолчилар гуруҳлари ва аҳолига сифатли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишлар билан ифодаланади. Корхонада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг самарадорлиги мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш ҳамда истеъмолчининг талаби билан боғлиқдир.

Бугунги кунда корхона 30 турдаги спорт товарлари ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқарилаётган товарларни рақобатбардош қилиш мақсадида, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишга эътиборни кучайтириш, янги технологияларни ҳарид қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса, маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулот таннархини камайитиришда корхонанинг асосий мақсадларидан бири деб қараш керак. Бу борада фойдаланилаётган асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватини муҳим бўлиб, корхонада Россия ва бошқа мамлакатлардан келтирилган қуйидаги асбоб-ускуналардан самарали фойдаланилмоқда.

Корхона фаолиятини таҳлил қилиш натижасида фақатгина эришилган ютуқларга ижобий баҳо бериш билан чегараланмасдан, иқтисодий самарадорлик даражасини ошириш йўллари ва имкониятларини ҳам аниқ ҳамда равшан белгилаб олиш зарур. Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхона иқтисодий фаолиятининг вазифаларини қуйидагича ифода қилиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш динамикасини мунтазам ўрганиб бериш;
2. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш режасининг бажарилишини қатъий назоратга олиш;

3. Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш хажмининг ўзгаришига таъсир этувчи кўрсатувчи омилларни аниқлаш;
4. Маҳсулот хажмини кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш;
5. Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш;
6. Буюртмачи ва харидорларга маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш;
7. Таҳлил натижасида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда фойдаланилмаган ички имкониятлардан унумли фойдаланиш.

## **2.2. «Мехмаш» МЧЖ да молиялаштириш манбалари, улардан оқилона фойдаланиш ҳолати ва ундаги айрим муаммолар таҳлили**

Бугунги кунда аниқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш асосан ишлаб чиқариш, инвестиция ва молиявий фаолиятларга тегиш-ли ахборот манбаларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларга ишлов бериш орқали амалга оширилади.

Корхона фаолиятининг йўналиши бугунги кунда тобора кенгайиб, операцион таҳлил, инвестиция таҳлили, инновация таҳлили, молиявий таҳлил каби турларни ўз ичига олади. У корхона фаолиятининг барча томонлари ва бўлинмаларининг бир-бири билан узвий боғлиқликда бўлган яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари – тайёрлов, ишлаб чиқариш ва маҳсулот муомалаларини ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, барча хўжалик субъектларини фаолияти серқирра бўлиб, улар ишлаб чиқариш фаолиятидан ташқари ташқи иқтисодий фаолият, савдо, молиявий, инвестиция, ин-новация, маркетинг фаолиятлари билан ҳам шуғулланадилар.

Корхонанинг ҳар хил турдаги фаолиятини комплекс таҳлил этишда унинг сифат кўрсаткичлари тизими (масалан, корхона ак-тивининг рентабеллик ва даромадлилик даражаси; оборот маблағлар айланиши ва фонд

кайтими; молиявий барқарорлик коэффициентлари, ликвидлик ва тўловга кодирлик ва бошқа кўрсаткичлар) ни бир-бири билан узвий боғлиқликда ўрганиш тақозо этилади.

Молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили ишлаб чиқаришни бошқариш элементи, фаолиятни бошқариш босқичидир. У бошқарув тизимида бир канча функцияларни бажаради. Иқтисодий таҳлил орқали хўжалик жараёнларининг моҳияти англанади ва унга баҳо берилади, ишлаб чиқаришнинг резервлари аниқланади ва режалаштириш ҳамда бошқарувнинг илмий жиҳатдан асосланган қарорлари тайёрланади. Бошқарув тизимидаги комплекс иқтисодий таҳлилнинг кўп қиррали функцияси унинг мақсад ва вазифаларида намоён бўлади. Бошқарув мақсадидаги хўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг методик жиҳатдан ташкилий босқичлари қуйидагилардан иборат;

- таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун кўрсаткичлар йиғиндисининг асосланганлигини ҳар томонлама таҳлил этиш;
- таҳлил ўтказиш босқичларини белгилаш;
- таҳлил ўтказиш муддатларини белгилаш;
- таҳлилни ташкил этиш босқичларини ишлаб чиқиш ва хиз-мат бўлимлари бўйича вазифаларнинг тақсимланиши;
- таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва уларни баҳолаш;
- таҳлилнинг самарали натижаларини жамлаш.

Таҳлилнинг мақсад ва вазифаси аввало корхонани ички хў-жалик муаммоларини ечишга, яъни фаолият натижавийлиги ҳамда унинг иқтисодий потенциалини ташкил этувчи ресурслар, капиталдан фойдаланиш даромади ва акционерларнинг акциядан оладиган даромадларини оширишга қаратилган.

Бошқарув таҳлилининг асосий мақсади ресурслар, баланс активи, компаниянинг рентабеллик билан ишлаши ва корхона молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Молиявий ҳисобот шаклига молиявий кўрсаткичларга таал-луқли бўлмаган кўрсаткичларни ҳам қўшиш бугунги кун талабидир. Натижада бу ҳисобот шаклидан ташқи ва ички фойдаланувчилар кўпроқ маълумотларга эга бўладилар.

Молиявий кўрсаткичларга тегишли бўлмаган манбалар орқали ҳамкор корхонани бозордаги мавқеи, технологияси, ишлаб чиқарилган маҳсулотини рақобатбардошлиги каби кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларга эга бўлинади.

Молиявий ҳолат давлат, ташкилот ва шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ пул ҳисоб-китобларини ифодалайди. Молиявий ҳолат корхонани маблағ билан таъминланганлиги, барча турдаги маблағларни мақсадга мувофиқ йўналиши ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги, бюджет, банк, хом ашё етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ҳолати билан характерланади. Корхонанинг молиявий ҳолати барқа-рор, нобарқарор ва кризис даражасида бўлиши мумкин. Молиявий барқарорликка эга бўлган корхоналарда ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи, бюджет, банк, мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоб-китоб ишлари ўз муддатида амалга оширилади. Молиявий интизомга риоя қилмаслик, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ортиб кетишига олиб келади ва муддати узайтирилган қарзларнинг сурункали давом этиши банкротлик аломатларини вужудга келтиради.

Молиявий ҳолат барқарорлигининг таҳлили орқали маълум давр мобайнида молиявий ресурсларни корхона қандай бошқарганлигига баҳо берилади. Аввало, молиявий ресурслар ҳолати бозор ва корхона ривожланишининг талабларига мос келиши керак, чунки молиявий

барқарорликнинг талаб даражасидан паст бўлиши корхонанинг тўловга қобиллигини заифлаштиради, ишлаб чиқариш ри-вожланиши учун маблағлар етишмаслигига олиб келади. Бунинг акси бўлган ҳолатларда эса молиявий ресурслар ортиқчалиги ишлаб чиқариш ривожланишига тўсқинлик қилади, ишлаб чиқариш захиралари ва резервларининг меъёрдан ортиб кетишига сабаб бў-лади. Демак, *молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақ-симланиши ва улардан фойдаланиши молиявий барқарорлик моҳиятини ифодалайди.*

Давлатнинг иқтисодий салоҳияти, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор молиявий ҳолати ички ва ташқи омиллар, жумладан, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги молиявий инқирозлар ва уларнинг салбий оқибатларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Тўловга қодирлик корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, нақд пул маблағлари орқали муддати келган тўлов мажбуриятларини бажара олишига айтилади.

Корхонанинг тўловга қодирлиги *баланс активи кўрсаткичларининг ликвидлиги* ҳамда *пул маблағлари ҳаракатини* ўрганиш орқали аниқланади. Ликвидлик кўрсаткичлари орқали тўловга қо-дирликни аниқлаймиз. Бунинг учун оборот активлари ликвидлиги, баланс ликвидлиги, корхона ликвидлиги, тўловга қодирлик кўрсаткичларига қисқача изоҳ берамиз. Оборот активларининг ликвидлиги баланс ликвидлигидан фарқланади. Оборот активларининг пулга айланиши учун кетадиган вақт қанча қисқа бўлса, унинг ликвидлиги шунча юқори бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг активдаги моддаларни пул-га айланиши орқали тўлов мажбуриятларини қоплай олиши, аниқроғи – тўлов мажбуриятларининг муддати активдаги моддаларнинг пулга айланиш муддатиги мос келишига *баланс ликвидлиги* деб тушунилади. Корхона ликвидлиги – баланс ликвидлигига нисбатан кенг маънони англатади.

Баланс ликвидлиги тўлов мажбуриятлари фақат корхонанинг ички имкониятлари (активлар реализацияси) дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Аммо корхона инвестиция фаолияти, ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун ўз маблағларидан ташқари четдан қарз маблағларини ҳам жалб этиши мумкин. “Тўловга қодирлик” ва “ликвидлик” кўрсаткичлари бир-бирига яқин, аммо “ликвидлик” бироз кенгроқ маънони англатади. Тўловга қодирлик баланс ликвидлиги ва корхонанинг ликвидлик даражаларига боғлиқ.

Корхонанинг жорий ва истиқболдаги молиявий ҳолатини ликвидлик кўрсаткичлари ифодалайди. Таҳлил этилаётган корхона ҳисобот даврида тўловга қодир, аммо келгуси йилларда ноқулай иқтисодий шароитга тушиб қолиши ва бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.

### 2.2.1-чизма. Ликвидлик ва корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичларини бир-бирига узвий боғлиқлиги



Тўловга қодирлик, корхона ликвидлиги ва баланс ликвидлигини профессор Г.В. Савицкая кўп қаватли бинога ўхшатади. Бунда барча қаватлар

бир-бирига тенг, аммо иккинчи каватни биринчи-сиз, учинчи каватни биринчи ва иккинчи каватларсиз бунёд этиб бўлмайди.<sup>5</sup>

Демак, баланс ликвидлиги тўловга қодирлик ва корхона ликвидлигининг асоси (фундаменти) ни ташкил этади. Бошқа сўз билан айтганда ликвидлик – тўловга қодирликни сақлаш усулидир.

Корхонани тўловга қодирлигининг динамикаси ва унинг дара-жаси тўғрисида аниқ хулоса қилиш учун қуйидаги омиллар таъ-сирини ҳам ҳисобга олмоқ зарур:

– корхона фаолиятининг характери. Масалан, саноат, қурилиш характеридаги корхоналарда ишлаб чиқариш захираларини улуши юқори, пул маблағлариники эса паст;

- дебиторлар билан ҳисоблашиш усули;
- ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати;
- дебиторлик қарзлар ҳолати: унинг таркибидаги муддати ўт-ган, даргумон қарзларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

Корхонанинг умумий тўловга қодирлиги мавжуд жами ак-тивлар билан мажбурият (қисқа муддатли ва узоқ муддатли) ларни қоплай олишини ифодалайди.

Тўловга қодирликнинг паст даражада бўлиши кўпинча пул маблағларини етишмаслиги ва муддати узайтирилган қарзларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Шу боис комплекс таҳлил давомида тўловга қодир эмаслик сабаблари атрофлича чуқур ўрганилади.

Тўловга қодир эмаслик сабаблари:

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларининг пасайиши, таннарх ортиши, фойда қисқариши натижасида ўз маблағлари манбаининг корхонани молиялаштириш учун етишмаслиги;

---

<sup>5</sup> Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности. –М.: Инфра-М., 2007, 256 стр.

– оборот капиталидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, яъни маблағларни дебиторлик қарзлар, меъёрдан юқори захира-ларнинг ташкил топишига сарфланиши;

– харидорларнинг тўлов қобилиятига эга эмаслиги;

– солиқ юки, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганлиги учун жарима санкцияларининг юқорилиги.

Тўловга қодирлик кўрсаткичларининг ўзгариш сабабларини аниқлаш учун *пул маблағларини кирими* ва *чиқимлари* режасининг бажарилишини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил учун пул маблағларини ҳаракати билан боғлиқ кўрсаткичлар бизнес режадагиси билан таққосланади. Биринчи галда операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятларнинг бюджетдаги даромад қисмининг бажарилиши, белгиланган режадан фарқланиш сабаблари аниқланади.

Молиявий барқарорлик кенг қамровли кўрсаткич бўлиб, корхона фаолиятининг барча томонлари натижаси унда акс этади. Молиявий барқарорликка эришган корхоналар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

– бозор муносабатларининг ҳар-хил шароитларида ҳам фаолият юрита олиши;

– корхона пул маблағларининг эркин ҳаракат қилиши;

– молиявий ресурсларнинг бозор талабларига мос келиши;

– молиявий ресурслар ҳолати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилигини таъминлай олиши;

– ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларининг манбалар билан қопланиши.

Иқтисодиётга оид адабиётларда молиявий барқарорликка таал-луқли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили етарлича ёритилмаган.

Молиявий барқарорлик мазмун жиҳатидан турлича таърифланади. Тўлов қобилияти, баланс ликвидлиги, корхонанинг бозор фаоллиги

кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари сифатида кўрилиши мутлақо нотўғри.

Молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш учун захира ва харажатлар ёки моддий айланма маблағларни уларни ташкил топиш манбаларига нисбат кўринишида аниқлаш тавсия этилади. Молиявий коэффициентлар эса молиявий барқарорликни ифодаловчи молиявий ҳолатнинг қўшимча кўрсаткичларидир, дейилади мазкур қўлланмада. Молиявий коэффициентларни аниқлаш услуги ва уларнинг сони хусусида ҳам маълум бир ечимга келинмаган.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳияти жиҳатидан бешта гуруҳга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

1. Ўз (хусусий) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар.
2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Таҳлил давомида молиявий барқарорликка таъсир этувчи ички ва ташқи омилларга эътиборни қаратмоқ лозим.

Ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

- корхона фаолиятининг тармоқ хусусиятига мос келиши;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат ту-зилиши (структураси);
- устав капиталига тўланган миқдор ҳажми;
- харажатлар миқдори, уларнинг даромадларга нисбати динамикаси;
- мол-мулк ва молиявий ресурслар ҳолати, шу жумладан, захира ва резервлар, улар таркиби ва тузилиши.

Ташқи омилларга хўжаликни юритишнинг иқтисодий шартлари, тўловга қодирлик, харидорларнинг даромадлик даражаси, давлатнинг солиқ ва кредит бўйича сиёсати, ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқалар киради.

Умумий барқарорлик чегарасининг юқори ёки паст бўлиши турли хил сабабларга боғлиқ.

– “Барқарорлик захираси” – бир неча йиллар давомида шакл-ланган молиявий захиралар миқдори тасодифий ва кескин ташқи кутилмаган ўзгаришларнинг олдини олишга қаратилган.

– техник-иқтисодий барқарорлик – инвестиция лойиҳалари самарадорлиги, техника билан қуролланиш даражаси, ишлаб чиқа-риш, меҳнат, бошқарувни ташкиллаштириш; пул оқимларининг ҳаракати туфайли фойдага эришишни ифодалайди.


– молиявий барқарорлик – даромадни харажатларга нисбатан ва ресурслар ҳолатининг юқори бўлиши, пул маблағларининг эркин ҳаракатини таъминлайди, маблағлардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш узлуксизлиги, уни кенгайтириш ва янгилаши учун замин яратади.

Молиявий барқарорлик ўз ва четдан жалб этилган капиталлар нисбати, жорий, инвестиция ва молиявий фаолият туфайли ўз капитали жамғармасини ўсиш даражаси, ҳаракатчан ва иммобилизация қилинган ресурслар нисбати, захираларнинг ўз маблағлари манбаи билан таъминланишини ифодалайди.

Демак, молиявий барқарорлик молиявий ресурслар ҳолати биринчидан, бозор талабига мос келиши, иккинчидан, ишлаб чиқа-ришни ривожланишини таъминлаши лозим.

Молиявий барқарорлик тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

### 2.1.2-чизма. Корхона молиявий барқарорлигининг турлари.



– жорий – конкрет (аниқ) давр мобайнидаги молиявий барқарорлик;  
– имкон – ташқи шароит ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик;

– юзаки – давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган, четдан бериладиган ёрдам туфайли молиявий барқарорлик;

– реал – рақобат шароитида кенгайган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик.

Профессионал сўз бойлигида “молиявий барқарорлик” атамасининг ишлатилиши бир хил маънони англатмайди.

Чет эл иқтисодий адабиётлари ва жаҳон амалиётида “молиявий барқарорлик” сўзининг ифодаланишидаги фарқланиш корхона баланси таҳлилига икки хилдаги ёндашиш, яъни баланс ликвид-лигини анъанавий ва замонавий функционал усулларини қўллаш орқали юзага келади.

Молиявий барқарорликни баланс ликвидлиги таҳлилининг анъанавий усули орқали аниқлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

– минимал молиявий тенглик қоидаси – ижобий ликвидликка асосланган бўлиб, бунда жорий активлар ликвидлигининг ўсиши мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши шарт;

– максимал қарздорлик қоидаси – анъанавий меъёрларга муво-фик корхона қарзини ўз маблағлари билан қопланиш чегараси: узоқ ва ўрта муддатли қарзлар доимий капиталнинг ярмидан юқори бўлмаслиги лозим.

– максимал молиялаштириш қоидаси – олдинги қоидага риоя қилинган ҳолда қарз капитали барча қўйилмалар учун тўланадиган фоиз суммаларидан ортиб кетмаслиги лозим.

– Функционал баланс ликвидлигини таҳлили орқали молиявий барқарорлик қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда аниқланади:

– молиявий мувозанатни сақланиши учун стабил ресурслар – доимий капитал ва унга тенглаштирилган маблағлар стабил жойлаштирилган активларни 100 % қоплаши лозим. Нисбатнинг 100 % дан паст бўлиши стабил жойлашган

маблағлар стабилга эга бўлмаган ресурслар билан, яъни қисқа муддатли мажбуриятлар шаклида молия-лаштирилганлигини ифодалайди. Оборот активларига бўлган талаб қисқа муддатли молиялаштириш туфайли ҳисобот даври мобайнида ўзгариб туради ва бу ўзгаришлар қуйидагиларга олиб келади:

– оборот активларининг ортиқча таъминланишига, бунинг на-тижасида вақтинчалик эркин ҳаракатдаги оборот маблағлари ву-жудга келади;


– оборот активлари билан етарли даражада таъмин этилмасли-гига, бунинг натижасида четдан қарз маблағларини жалб этилишига;

– умумий қарздорликни баҳолаш – четдан жалб этилган қарз маблағлари ўз маблағларига нисбат кўринишидаги ифодасидир.

Корхона фаолияти мураккаб тизим ва тузилмалардан иборат бўлиб, шу туфайли унинг барқарорлигини баҳолаш комплекс тарзда ёндашган ҳолда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш керак. Кўрсаткичлар икки гуруҳга бўлинади: мутлақ , нисбий.

Молиявий барқарорликни мутлақ кўрсаткичлар иштирокида аниқлаш учун ишлаб чиқариш захиралари уни ташкил этувчи манбалари, яъни ўз айланма маблағлари, банкдан олинган узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар суммалари билан таққосланади. Нисбий кўрсаткичлар фоиз, коэффициент, индекслар кўринишида ифодаланади.

### 2.1.3-чизма. Корхона молиявий барқарорлигини таҳлил этиш усуллари.



Молиявий барқарорликни мутлақ кўрсаткичлар иштирокида таҳлил этиш учун захира ва харажатларни уни қоплаш манбалари билан таққослаш лозим. Захира ва харажатларни қоплаш манбаларини ҳолати учун манбалар бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларидан олинади.

Молиявий ҳолат танглигини пасайтириш, ундан чиқиш учун қуйидаги манбаларни жалб этиш мумкин.

- ортиқча пул маблағлари;
- четдан жалб этилган манбалар;
- банкдан олинган кредит;
- бошқа манбалар.

Жорий ликвидлик коэффициенти корхонани чиқарган акциялари ва облигацияларини харид этган субъект ва жисмоний шахс-лар учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Акциядан олинadиган дивидендлар миқдори, облигациялардан фоизлар жорий ликвидлик коэффициенти даражасига

боғлиқ. Жорий активларни қисқа муд-датли мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши резерв захирасини ҳосил қилади. Резерв захираси корхона зарар кўрганда қоплашга сарфланади. Бу кўрсаткичнинг қанчалик юқори бўлиши кредиторларда қарзни узишга бўлган ишончини таъминлайди.

Жорий ликвидлик коэффициентининг меъёр кўрсаткичи 1 дан 2 гача ҳисобланади. Аммо барча тармоқлар учун яғона меъёр белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу кўрсаткич даражаси корхонанинг фаолият тури, унинг тузилиши ва баланс активининг сифати, операцион жараён давомийлиги, кредиторлик қарзларни қопланиш муддатлари ва ҳ.к. ларга боғлиқ. Жорий ликвидлик коэффициенти даражасининг ҳисоб-китобига кўра ликвидлик йил боши ва йил охирида меъёр даражасида, унинг ўсиш суръати 1,08 коэффициентни ташкил этган.

Аммо жорий ликвидлик коэффициентининг даражаси кўп жиҳатдан захираларни ташкил этиш манбалари узоқ муддатли маж-бурият ва корхонанинг ўз капиталига боғлиқ. Унинг даражасини ошириш учун ўз капиталини манбалар билан тўлдириш, активлар ва дебиторлик қарзлар ўсишини турғун ҳолда сақлашдан иборат. Мазкур кўрсаткичдан корхона активи ликвидлигини баҳолаш ва узоқ муддатли истикболда тўловга қодирлигини аниқлашда фойдаланилади. Оборот активларининг қисқа муддатли мажбуриятлардан икки маротаба ортиқ бўлиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатини барқарор ўсиши учун замин яратади. Бунинг натижасида ишчи капитали ёки “соф оборот активи” шаклланади.

Ишчи капитали ликвид резервлари ҳисобланиб, кутилмаган ҳолларда вужудга келадиган пул тушумлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги узилишлар туфайли вужудга келадиган харажатларни қоплашга сарфланади. Соф ишчи капитали соф активнинг бир қисми, банк-кредиторлар учун банк кредитини корхона қайтара олмаган ҳолларда ундан гаров сифатида фойдаланадилар.

**Соф оборот активларини аниқлаш тартиби**

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	Ўзгариши (+,-)
1	Оборот активлари	3411,3	5550,0	+2138,7
2	Қисқа муддатли мажбуриятлар	2951,2	4410,3	+1459,1
3	Соф оборот активлари (1сатр-2сатр)	460,1	1139,7	+679,6

Манба: Корхона маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвалда оборот активларнинг қисқа муддатли мажбуриятлар билан қопланишига оид ҳисоб-китоб келтирилган, унинг натижасига кўра оборот активларини қисқа муддатли мажбуриятлардан ортиқчилиги йил бошида 460,1 млн. сўмни, йил охирига келиб 1139,7 млн. сўмни ташкил этган. Соф оборот активининг мутлақ суммада динамик тарзида ўзгариши ликвидлик даражанинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу кўрсаткич қисқа муддатли мажбуриятларнинг қопланишидан сўнг ҳосил бўлган ортиқча миқдорни ифодалайди. Демак, бу кўрсаткичнинг ўсиши корхона ликвидлигини барқарорлашувини ифодалайди.

Корхона молиявий барқарорлигини ифодалашдаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири жорий активларнинг ўз оборот маблағлари билан қопланиш коэффициентидир. Мазкур коэффициент кўп ҳолатларга боғлиқ. Унинг миқдори ва динамикаси хусусида халқаро ҳисоб-таҳлил амалиётида умумий тавсиялар белгиланмаган. Бизнинг мамлакатимизда бу кўрсаткичнинг нормативи 0,1.

Демак, корхона баланси тузилиши қониқарли, молиявий барқарорликка эришиш учун жорий активларни 10 фоизини ўз оборот маблағлари ташкил этиши зарур.

**Ўз оборот маблағларини мавжуд суммаси ва улар билан  
корхонанинг таъминланиши**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013 йил</b>	<b>2014 йил</b>	<b>Ўзгариши, (+, -)</b>	<b>Ўсиш суръати, %</b>
Ўз капитали	3700,6	4705,3	+1004,7	127,1
Узоқ муддатли активлар	3342,8	3889,1	+546,3	+116,3
Оборот (жорий) активлари	4401,7	6654,6	+2252,9	+151,1
Ўз оборот маблағларининг мавжуд суммаси	357,8	816,2	+458,4	+228,1
Ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффициенти	0,081	0,122	+0,041	+150,6

Манба: Корхона маълумотлари асосида тайёрланди.

Жорий активларни ўз оборот маблағлари билан таъминланиши йил бошида тавсия этилган меъёрдан кичик ( $0,081 < 0,1$ ), йил охирига келиб вазият биров ўзгарган ( $0,122 > 0,1$ ).

**Ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффициентининг  
ўзгаришига омиллар таъсири**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013 йил</b>	<b>2014 йил</b>	<b>Ўзгариши, (+, -)</b>
Ўз капитали	3700,6	4705,3	+1004,7
Узоқ муддатли активлар	3342,8	3889,1	+546,3
Оборот (жорий) активлар	4401,7	6654,6	+2252,9
Ўз оборот маблағларининг мавжуд суммаси	357,8	816,2	+458,4
Ўз оборот маблағлари билан таъ-минланиш коэффициентига омиллар таъсири, жами Шу жумладан:	X	X	+0,041
а) ўз капитали	X	X	+0,2283
б) узоқ муддатли активлар	X	X	-0,1241
в) оборот (жорий) активлар	X	X	-0,0628

Манба: Корхона маълумотлари асосида тайёрланди.

Корхонани ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффициентининг ўзгаришига ўз капиталининг ортиши ижобий таъсир этган (+ 0,2283).

Аmmo узоқ муддатли активлар, оборот (жорий) активларининг йил бошига нисбатан ортиши туфайли таъминланиш коэф-фициенти (-0,1241 – 0,0628) га пасайган.

### **III-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари**

#### **3.1. Саноат корхоналарида молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари**

Молиявий режалаштириш – халқ хўжалигини бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, давлат пул маблағларни ташкил этиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ишлатиш жараёнларини режали бошқаришдир.

Молиявий режалаштириш халқ хўжалигини режалаштириш каби, иқтисодийнинг пропорционал ва балансли равишда ривожланиши, бирламчи халқ хўжалиги комплексининг ҳамма бўғинларидаги фаолиятларни координациялаш, ижтимоий ишлаб чиқаришда юксак суръатларни таъминлаш ва халқнинг моддий фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлашга йўналтирилган.

Молиявий режалаштиришни асосий объекти – *молиявий ресурслар*дир. Улар жами ижтимоий маҳсулотнинг ва миллий даромаднинг манбаи бўлиб, уларнинг таркибига халқ хўжалигининг пул жамғармалари, амортизация ажратмалари, ташқи иқтисодий алоқалардан тушадиган тушумлар ва аҳолидан тушадиган даромадлар киради. Молиявий ресурсларнинг ташкил топиши, тақсимланиши ва ишлатилиши кредит маблағларнинг ҳаракати билан, ишлаш доираси бир-биридан ажралишига қарамай (баъзан улар бир-бирини тўлдиролди ва ҳаттоки пул маблағларини бир-бири билан алмаштириш олади), ўзаро боғланган. Шунинг учун халқ хўжалик томонидан қараб чиқилганда молиявий режалаштириш ўз ичига кредитни режалаштиришни ҳам олади.

Молиявий режалаштиришнинг асосий мақсади бўлиб – молиявий ресурслар ҳажмининг ўсиши ва уларга бўлган эҳтиёжлар кўпайишининг

мослигини таъминлаш; ресурсларни ташкил топиши манбаларни кўпайишини мослигини таъминлаш; ресурсларни ташкил топиш манбаларни ва шу манбаларни сарфлашда конкрет йўналишларини аниқлаш; халқ хўжалик соҳалари ва регионлар орасида уларнинг тақсимланишини оптимал ва пропорционал равишда белгилаш майдонга чиқади.

Молиявий режалаштириш *дастлабки* ва *жамланган* бўлиб, молиявий режаларни тузиш ва ижро этиш орқали амалга оширилади.

*Дастлабки режалаштириш*га корхоналарнинг, моддий ишлаб чиқариш ташкилотларининг, ноишлаб-чиқариш ташкилотларининг, харажатлари тўлиқ ёки асосий қисми давлат бюджети ёки махсус маблағлар орқали қопланадиган давлат муассасаларининг режалари киради.

Жамланган молиявий режалаштириш умумдавлат, тармоқ ва территориал бўлади.

Ҳамма молиявий режалар бирламчи тизими давлат бюджети орқали таъминланади ва давлатнинг асосий молиявий режаси дейилади.

*Бюджетни режалаштириш* деб – маълум бир режали вақт ичида молиявий ресурсларнинг миқдори, умумдавлат мақсадларини амалга ошириш учун давлат бюджетига келиб тушишини ва сарфланишини аниқлайдиган жараёнга айтилади.

Бир вақт ичида давлат бюджет сиёсатини ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бюджет тизимини айрим бўғинлари орасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш кўрсаткичларини аниқлайди.

Ҳар бир бюджет харажатларининг таркиби айрим давлат маҳаллий ҳокимият органлари орасидаги давлат функцияларини тақсимланишига боғлиқ бўлади, масалан: даромадларнинг таркиби ва ҳажми – давлат солиқлар тизими ва солиқлар сиёсатига хос хусусиятлар, ҳамда бюджетни тартибга солиш тизимининг хусусиятлари.

Халқ хўжалик тизимида ва режаларни молиялаштиришда асосий ўринни давлат орқали жамланган молиявий баланс – *давлат бюджети* эгаллайди. Унда бир-бири билан молиявий-ашёвий шаклида таққослаб бўлмайдиган ҳамма ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари пул шаклида жамланади.

Балансли усул зарур бўлган ҳисоботлар орқали режани реал ва балансли эканлигини текшириб чиқишни, халқ хўжалигининг ривожланишига керакли умумиқтисодий пропорцияларига риоя қилишни, давлат бюджетини, тармоқлар молиявий режаларини, банкларни кредит ва касса режаларини ва умуман молиявий режалар тизимини баланс шартлари билан таъминлайди.

Ижтимоий соҳаларнинг кўплигига, ҳозирги замонда бўлиб ўтаётган ўзгаришларнинг анчаси норма бўлиб қолган ва шундан келиб чиққан ҳолда раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб фаолиятларини муваффақиятига таъсир этадиган кутилган ва кутилмаган ўзгаришларни бартараф қилишдир. Бу ўзгаришлардан сиёсий ўзгариш, пулнинг қийматини ўзгариши, иқтисодий ва технологик ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Охирги йилларда бу ўзгаришларни тезлиги ўсиб бормоқда ва улар кескин, кутилмаган бўлиб қолмоқда. Омилларнинг ўзгаришини аниқловчи рўйхат етарли даражада бўлиб, ҳар хил шароитда ўзгариб боради, шунинг учун у билан фойдаланишга ягона ишлаш усули бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир корхона ўз фаолиятини иқтисодий аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилиб, афзалликларини ва камчиликларини намоён этиши ҳамда шароитини тушуниши учун имкон қадар кўп изланиб ўрганиши шарт.

Бу таҳлил натижасида ўзгаришларнинг тузилишини аниқлаб ва зарур бўлса уларга таъсир этиш мумкин. Бу ишда асосий аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири – корхона молиявий аҳволи ўзгаришларининг ҳисоботини ишлаб чиқишдир.

Молиядан бошқа ҳеч қандай соҳада бу ҳодисалар сезиларли даражада бўлмаган ва молиявий менежерларни хавф-хатар ва ноаниқлик ҳолатида қолдирмаган.

Хавф-хатарлик аниқланишини баҳолаш ва режалаш мумкин, лекин ноаниқликни баҳолаш ва режалаш мумкин эмас. Молиявий менежерлар режанинг мезонларини бир хил қилиб олишолмайди, чунки мезонлар субъектив бўлиб, уларга маълум даражада ташқи шароитлар таъсир этади. Аммо, режалаштириш ҳеч қачон тўлиқ хавфсизликда бўлишлигини таъминламайди ва инқирознинг олдини олишга ундайди.

Молиявий менежер қуйидаги усулларни ўрганиши шарт:

- айланма капиталга таъсир этувчи омиллар: хом-ашё, материалларнинг баҳоси, ишчиларнинг ойлиги, сотув баҳоси, кредит шартлари, капиталнинг айланиши(пулнинг товарга ва қайта пулга айланиш даври);

- даромадга таъсир этадиган омиллар: олдинги ва ҳозирги солиқ қонунлари, хорижий валюта курси, рақобат;

- капиталга, акционер капиталига, кредитга таъсир этувчи омиллар: инфляция ва ҳукумат сиёсати, фоизлар ставкаси, тўлов баланси, капиталга умумий талаб, инвестицион сиёсат (масалан: акционер капиталга қаршли мулк).

Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда одатдаги режалаштириш усуллари доим ҳам фойдали бўлмаслиги мумкин. Уларга ташқи шароитлар таъсирининг етарли эмаслиги хосдир. Эгилувчан тизимли режалаштириш асосида, борган сари кўпроқ ташқи шартларнинг ривожланишига тааллуқли ҳар хил таклифларга асосланган фаолият тадбирлари ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ривожланишининг имкон бўлган йўллари ўрганиб ва ишлаб чиқиш учун молиявий прогнозлаштириш зарур. Унинг асосий вазифаси – келажак даврда молиявий

ресурслар ҳажмини аниқлаш, уларнинг манбаларини ифодалаб ва иложи борица самаралироқ ишлатиш йўлларини белгиламоқдир.

Прогнозлаш, молиявий сиёсатни амалга оширишда пайдо бўлаётган шароитларни яхшилаб ўрганиб ва кўриб чиқишга имкон яратади, ички ва ташқи шароитларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиб, корхонани молиявий ва бозор шароитида фаолиятини мустаҳкамлашга келажақдаги молиявий стратегияни аниқлайди.

Корхона тараққиёти шароитларини ташкил этишда бошланғич бўлиб – прогнозлаштириш (ёки истиқболни белгилаш) майдонга чиқади. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

*Биринчидан*, акция курсини, қурилишга берилган лицензияларни буюртмаларини ҳажмини, асбоб ускуналарни етказиб бериш каби бозор кўрсаткичларни синчиклаб кузатиш. Тегишли статистик қаторлар кўпинча умумиқтисодий ўзгаришлар тўғрисида огоҳлантиради.

*Иккинчидан*, прогнозлаштириш моделларининг ҳар бири иқтисод соҳасининг у ёки бу томонини илмий тавсифини берган ҳолда фойдаланишни мўлжаллайди. Модел ичига динамик (ўзгаришларга бой) кўрсаткичлар ҳам киритилади, шу қаторда фискал амалиётида юз бериши мумкин (эҳтимоли) бўлган ўзгаришлар ҳам эътиборга олинади.

Натижа бўлиб, келгуси йилга иқтисодий ўсиш, меҳнат ва капитал бозорларнинг аҳволини прогнози бўлиши керак.

Конъюнктуравий прогноз баҳолари сиёсатчиларга керак бўлгани каби, тадбиркорлар учун инвестициялар, маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисида мўлжал бўлади.

Эътибор бериш керакки, амалиётда иқтисодий прогнозлаштириш баҳоларнинг тўғрилигини етарли даражада кўрсатиб ва тасдиқлаб бера олмайди, чунки йирик иқтисодий ўзгаришларни прогнозлаштириш хизмати олдиндан кўра олмайди.

Прогнозлаштиришга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири иқтисодий сиёсатнинг мафқуралаштирилишидир.

Молиявий режалаштириш жараёни иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бундай иқтисодий кўрсаткичлар куйидагилардир: маҳсулот ишлаб чиқариш, таннарх, фойда ва бошқалар.

Бозор иқтисодиети шароитида молиявий режалаштириш жараёнини амалга ошириш анча қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келинмоқда.

Молиявий режаларни тузиш жараёни асосан уч босқичда олиб борилади:

Биринчи босқич – ўтган базис йилида эришилган ҳамма иқтисодий кўрсаткичлар бўйича, масалан, ишлаб чиқариш режаси, маҳсулот реализацияси, таннарх, асосий ва оборот фондларининг фойдаланиш даражаси ва шу кабилар бўйича чуқур иқтисодий таҳлил қилинади.

Иқтисодий таҳлил жараёнида даромадларнинг кўпайтириш йўллари изланади, молиявий ресурслардан оқилona фойдаланиш йўллари ва чора – тадбирлари кўрилди ҳамда шулар асосида хомаки ҳисоблар ҳал қилинади.

Иккинчи босқичда – биринчи босқичдаги маълумотларга асосланиб, даромад ва харажатларнинг конкрет турлари бўйича молиявий ҳисоб-китоблар қилинади. Маълумки, молиявий кўрсаткичлар синоптик характерга эгадир, чунки улар бутун ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий якунини кўрсатади. Дастлаб, шу кўрсаткичларга асосланиб ишлаб чиқаришнинг ўсиши юзасидан хулосалар қилинади ва шу асосда молиявий кўрсаткичларни ўсиши ҳисоб-китоб қилинади.

Учинчи босқичда – даромадлар ва харажатлар тенглаштирилади, иқтисодий таҳлил жараёнида даромадлар ва харажатларни узиш еки камайиш тенденцияси аниқланади.

Молиявий режалаштириш жараёнида куйидаги усуллардан фойдаланилади: баланс, норматив, коэффициент, иқтисодий таҳлил ва бошқалар.

Ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган барча молия режалари йиғиндиси молия режалари тизими деб юритилади. Бу молия режалари тизими территорияларда, хуудларда пул маблағларини тақсимлашни, пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишни, такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиянинг алоҳида звенолари ролининг ифодаланишини ўз ичига олади.

Молиявий режалаштириш жараёнида бир неча ҳил режалар тузилади.

Умумдават фаолиятини ифодаловчи молия режаларига давлат бюджети, давлат социал суғурта бюджети, давлат мулкӣ ва шахсий суғуртаси молия режаси ҳамда территориал ва давлатнинг молия маблағларини кўрсатувчи йиғма молиявий маблағлари киради. Бу молиявий режаларда давлат бюджети алоҳида ўрин тутди. Давлат бюджетда давлат билан турли мулк формасига эга бўлган корхона, хўжалик ташкилотларининг молиявий муносабатлари акс этади. Унинг даромад қисмида даромадларни келиб тушиш манбалари кўрсатилади; харажат қисмида эса маблағларнинг социал-маданий тадбирларга, ҳалқ хўжалигига, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, бошқарувга, мудофаага ва бошқаларга сарфланиши акс эттирилади. Давлат бюджетининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у бошқа молия режалардан фарқ қилиб қонун тариқасида тасдиқланади. Молия режалари тизимида соҳалар молия режалари асосий ўринни эгаллайди ва бу ерда даромадлар ва харажатлар баланси муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги пайтда корхоналар молиявий режалари бизнес режалар деб юритилмоқда.

Ҳар қайси режа мўлжалланган давр учун даромадлар ва харажатлар, молия ва кредит тизимларининг звенолари ўртасидаги алоқалар (ижтимоий суғуртага ажратма бадаллари, бюджетга тўловлар, банк кредити учун тўлов ва бошқалар) аниқланади.

Истиқболлаштириш ҳалқ хўжалик режалаштиришининг илмий-аналитик этаpidир.

Унинг хўжалик режалаштириш ишлаб чиқаришдаги бош масаласи – бу ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техник жараёнларидаги илмий таҳлил, рўёбга

чиққан ҳолатга ва ҳўжаликни ривожлантиришдаги вужудга келган муаммоларга баҳо бериш барча мавжуд бўлган ривожлантириш йўналишларини белгилашдан иборатдир.

Истикболлаштириш усуллари қуйидагича туркумланиши мумкин:

1. Истикбол мақсадига кўра – конфирматив ва режаификацион (оператив, тактик ва стратегик);
2. Прогнознинг белгиланишига кўра – умумий ва махсус белгиланган истикболларга, бошқарув истикболларига;
3. Тасдиқлаш даражасига кўра – интуитив ва мантикий;
4. Натижаларни ифодалаш шаклига кўра – сифат ва миқдорий истикболларга;
5. Муддатга кўра-узок муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли истикболларга.

Бозор иқтисодиёти режалаштиришдан тўлиқ воз кечмайди, чунки режа расмийлаштирилган бошқарув ечимининг намоён бўлишидир. Аммо, бозор иқтисодиёти режали иқтисодга қараганда анча эгилувчан, топқир ва бунда унга прогнозлар ва программаларни таҳлил қилиш ёрдам беради.

Бунда эса молиявий ресурсларни истикболлаштириш ҳамда молия бошқаруви жараёнида улардан фойдаланишнинг ўзаро алоқалари ўртасидаги муаммо келиб чиқади.

Режали иқтисодиёт шароитида, молиявий режалаштиришга хос бўлган директив ва қўшиб ёзишлар характериға эға бўлган турли хил режаларнинг амал қилиш пайтида, молиявий истикболлаштириш рад этилмаган. Мамлакатимизда истикболларнинг турли хиллари ишлаб чиқилган эди: демографик, тиббий ресурсларнинг, илмий-техник тараққиётининг, молиявий ресурсларнинг ва бошқаларнинг. Бунда тараққиётни режалаштиришнинг муддати ўсиб борар эди, яъни 5 йилликнинг ва ундан ҳам ортиқ муддатларга. Тараққиётни режалаштириш программалар билан тўлдирилиб борилар эди. Аммо истикболларга ва қисман программаларга бўлган умумий муносабат

асос сифатида намоён бўлмас эди. Агар бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда дастурли усул режалаштириш қаторида амал қилса, режали иқтисодиётда, дастурлар деган мулоҳаза юритилар эди.

Молиявий кўрсаткичларнинг ҳам истиқболли ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил усуллардан фойдаланишни тақозо этади: шулардан энг муҳимларига қуйидагилар киради: экстраполяция усули, норматив (меъёрий), математик моделлаштириш, таққослаш усуллари киради.

*Экстраполяция усули* молиявий кўрсаткичларнинг динамикасини намоён қилишда, уларни аниқлаш, ҳисоб-китобларда кўрсаткичларнинг жорий давридагилардан фойдаланади.

*Норматив (меъёрий) усул* ўрнатилган иқтисодий норма ва нормативлардан фойдаланишни талаб этади.

*Математик моделлаштириш усули* реал иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқаришда турли молиявий моделларни тузишдан иборатдир.

*Таққослаш усули* илмий-техник, иқтисодий, маданий ва бошқа омилларнинг жаҳон масштабидаги ривожланиш тизими билан ўзаро таққослашдан иборатдир.

Молиявий режалар молия тизимининг барча звеноларини ўз ичига олади ва шу билан биргаликда молиявий режанинг шакли, унинг кўрсаткичлари таркиби молиявий тизимининг мос звеносидаги мазмунини акс эттиради. Шундай қилиб, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар, даромадлар ва харажатлар балансини тузадилар; нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар эса – сметаларни тузадилар; жамоа хўжаликлар, ширкатлар умумжамоа бирлашмалар ва суғурта компаниялари молиявий режалар; давлат ҳукумати органлари эса – турли хил даражадаги бюджетларни тузадилар.

Молиявий режалаштиришнинг конкрет масалалари молиявий сиёсат орқали аниқланади. Бу аниқлаш орқали режадаги топшириқларни бажариш учун керакли бўлган пул маблағларининг ҳажми ва уларнинг манбалари,

даромадларнинг ўсиш ҳажми резервларининг намоён бўлиши, харажатлардаги иқтисодни; марказлашган ва марказлашмаган фондлар ўртасида маблағларни тақсимлашда самарали ва энг қулай муносибликни ўрнатишни; ва бошқаларни кўриш мумкин.

Маъмурий бошқарув тизими шароитида пул даромадларининг ва йиғимларининг тақсимланиши ва туркумланиши, уларнинг марказлашган ва марказлашмаган фондларда пул маблағларининг гуруҳланиши директив режалаштириш орқали аниқланар эди. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш бошқарув функцияси сифатида, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг барча томонларининг умумий шаклини қабул қила олмайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда товарлар ва хизматлар реализациясида ҳукмрон ва аниқловчи усул бўлиб – пул, баҳо, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонунини ўз ичига олган бозор механизми билан ташкил қилади.

Бозор механизмининг бундай муҳити режалаштириш элементлари иштирокида ишлаб чиқариш ва алмашув натижаларини аниқловчи прогноз услубиёти амал қилишини аниқлаб беради.

Бозор иқтисодиёти ўзининг бош омиллари билан амал қилади, яъни товарлар, ишчи кучи, ссуда капиталлари баҳоси бевосита товарлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф нисбатига боғлиқдир. Бозорни ўрганиш, уни ташкил қилиш ва режалаштиришнинг элементларини бошқариш маркетинг мазмунини ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ислохотнинг амал қилиши бошқарувнинг муҳим ва бош функцияси сифатида режалаштириш ўрин эгаллайди. Молиявий режалаштириш бозор иқтисодиёти талабаларини ҳисобга олган ҳолда янги ўзига хос белги ва томонларига эга бўлади.

Бюджет томонидан молиялаштиришда (халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам бу хусусиятга эгадир.

Уларнинг сметаларида директивлик характери камайиб, узок вақт давомида иқтисодий ва ижтимоий нормативларга асосланган ҳолда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини тўғрилигини тасдиқловчи белгиларга эътибор қаратилмоқда. Смета бюджет томонидан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларга қўшимча даромад олиш мақсадида хўжалик ҳисоб-китобларидан фойдаланиш маслаҳат берилмоқда. Бюджетдан ташқаридаги маблағ сифатида амал қилувчи бу ресурслар жамоанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятини кенгайтиришни таъминлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида қисқартирилган шаклда-молиявий режадан фойдаланилади. Молиявий режа даромад ва харажат қисмларида (майда ва ўрта корхоналарда ҳамда бошқа шаклларда) бу даромадлар ва харажатлар балансидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг ривожланишида молиявий режалаштиришга талаб камайгани йўқ. У аввалгидай ишлаб чиқариш фондларининг кенгайтирилган доиравий айланишини молиявий ресурслар билан таъминлашга, молия-хўжалик фаолиятида самарадорликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга, корхонанинг молиявий чидамкорлигини ва тўловга қобилиятини мустаҳкамлашга шароит яратиб беришга қаратилгандир. Ҳозирги пайтда аввалги директив режалаштириш тизими даврига қараганда молиявий режалаштириш сифатини ошириш мақсадга мувофиқдир, чунки бозор муносабатларида ўз фаолиятининг самарасизлиги, шу билан биргаликда молиявий режалаштиришда нотўғри ҳисоб-китобларни юритишда жавобгарликни корхонанинг ўзи тортади.

Янги хўжалик юритиш шароитида ўзининг катта ролини сақлаб қолган молиявий режалаштириш ўз навбатида қайта қурилган бўлиши лозим. Унинг мазмуни ва амалдаги шакллари хўжаликнинг янги иқтисодий шароитлари бўлган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда молиявий режалаштириш бозорнинг конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда бирор бир воқеликнинг бўлиш эҳтимоли борлигини ва шу

билан биргаликда моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг ҳолатининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда корxonанинг фаолияти асосларини таъминламоғи лозим.

Молиявий ва хўжалик мустақиллигини мавжуд шароитида корxonанинг ўзи мустақил тарзда ўзининг режаларини ишлаб чиқади ва бунда унинг ягона мақсади-хўжаликни юқори самарадорликка етказишдир. Шунинг учун ҳам молиявий режалаштиришда катта эътиборни корxона ўзининг ички резервларини тўлиқ намоён қилишга, ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга, моддий меҳнат ва пул ресурслардан унумли фойдаланишга, ишлаб чиқаришни тўғри ва яхши ташкил қилишга ва бошқаларга қаратилгандир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар молиявий режалаштириш усулларида ўз аксини топади. Агар яқин вақт ичида бозорнинг конъюктураси ва у билан боғлиқ корxonанинг амал қилиши тўғри ва аниқ ҳисоб-китоб қилинган бўлса, унда корxonанинг тараққиёти узоқ муддатли жараёнлар орқали фақатгина прогнозлаштирилади.

Шунинг учун ҳам молиявий режалаштириш, бир томондан яқин вақт ичида молиявий кўрсаткичларни аниқ ҳисоб-китобига ва уларнинг белгиланган молиявий хужжатдаги баланс боғланишига қаратилса, иккинчи томонда эҳтимоллик ва кўп вариантлик характерга эга бўлган прогноз ҳисоб-китобларига қаратилгандир.

Молиявий режалашнинг янги мазмуни бош воситасини ҳам талаб қилади, яъни аввал молиявий кўрсаткичларни ҳисоб-китобида фойдаланилган усуллар қаторида, иқтисодий математик усуллардан ва моделлаштиришдан кенг фойдаланиш зарурдир.

Бир йил давомида қамраб олинган молиявий жараёнлар ўз аксини корxonанинг молиявий режасида топади.

Молиявий режа аввалгидек даромадлар ва харажатлар баланси шаклида даромадларнинг ва йиғимларнинг келиб тушиши, маблағларнинг

сарфланишини акс эттирувчи корхона молия хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттиради. Албатта, бунда баланснинг тузилиши корхона фаолиятининг барча соҳалари бўйича ишлаб чиқилган, яъни ишлаб чиқариш, маиший, инвестицион, ижтимоий ва бошқа фаолиятлари бўйича режа ҳисоб-китобларидан фойдаланишни талаб этади.

Уларга таянган ҳолда корхонанинг молия бўлими ўзининг умумий молиявий натижасини (фойда ва зарарни) ва унинг турли хил фаолиятининг улушини ташкил қилувчиларни, яъни бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар, восита корхона ихтиёрида қолган соф фойда молиявий ресурслар ва уларнинг ишлатилишиниб тўлиқ ҳисоблаши мумкин.

Даромадлар ва ҳаражатлар баланси бозор иқтисодиёти шароитида риоя қилиш шарт бўлган бир неча умумий тамойиллари бўйича бошқарилиши керак. Шунинг учун ҳам молиявий ресурслардан фойдаланишнинг аниқ йўналишини аниқлаётган пайтда тушаётган тушум даражасининг фарқини ҳисобга олиш ва ҳаражатларни танлаш ва бу орқали юқори рентабелликни таъминлаш назарда тутилмоғи лозим.

Узоқ муддатли сарф ҳаражатларни танлашда энг иқтисодли молиялаштириш усулларни кўзда тутмоқ лозим.

Даромадлар ва ҳаражатлар балансини тузаётган пайтда албатта корхона фаолиятига кучли таъсир қилувчи инфляция жараёнини ҳисобга олиш керак. Ишлаб - чиқариш хўжалик фаолиятидан келувчи фойда, яъни амортизация ажратмаларнинг келиб тушиши, ишлаб чиқариш сферасига ва ижтимоий инфратузилмасига келувчи капитал қўйилмаларига келган ҳаражатлар, корхона учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга тўловлар, резерв фондига бадаллар инфляция таъсирида бўладилар. Шунинг учун ҳам даромадлар ва ҳаражатлар балансида инфляциянинг ўсиш индексини ҳисобга олган ҳолда уларнинг коррективкасини назоратда тутмоқ лозим. Корхонанинг молиявий режасида кўрсаткичларнинг умумий доираси бўйича режа ҳисоб – китобларининг якуний натижалари кўрсатилади. Бу кўрсаткичлар

турли хил молиявий ресурсларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланишнинг йўналишларини хусусиятлайди.

Корхонанинг даромадлар ва харажатлар балансининг мазмуни молиявий жараёнларни акс эттириб, таркибий тузилиши 4 та бўлимдан иборат.

1 – бўлим. “Даромадлар ва маблағларнинг келиб тушиши”. Бунга барча банкдан ва давлатдан (бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар) келиб тушадиган маблағлардан ташқари, корхонанинг барча молиявий ресурслари киради. Бу бўлимнинг кўрсаткичлари таркибига қуйидагилар киради: асосий фаолиятдан келган фойда, қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва дивидендлар, илмий тадқиқот характеридаги шартнома бўйича ишлардан келадиган даромадлар, амортизация ажратмалари, ҳисобдан чиқарилган мулкнинг сотилишидан тушган маблағлар ва бошқалар.

2 – бўлим: “Харажатлар ва маблағларни ажратиш”. У ўзида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга молиявий ресурслардан фойдаланишни, фаолиятнинг энг яхши натижаларини иқтисодий рағбатлантиришни, оператив ва бошқа харажатларни акс эттиради. Бу бўлим ўз ичига қуйидагиларни олади: капитал қўйилмалар, иқтисодий қўйилмалар, ривожланиш фондига ажратмалар, қимматли қоғозларни харид қилишга кетган харажатлар, турли хил ажратмалар ва бошқалар киради.

3 – бўлим: ”Корхонанинг банк муассасалари билан ўзаро кредит муносабатлари”. Бунда корхонанинг олган ссуда бўйича қарзлари назарда тутилади, уларнинг қайтарилиши ва кредитдан фойдаланиши учун фоиз тўловлари акс эттирилади: Бу бўлим 2 қисмдан иборатдир: даромад қисмида корхонанинг олган ссудалари акс эттирилади, харажат қисмида – уларнинг вақти билан қайтарилиши ва улардан фойдаланганлик учун фоиз тўловлари акс эттирилади.

4–бўлим: ”Корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро муносабатлари”. Бу бўлимга бир томондан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан маблағларнинг келиб тушиш тартиби акс эттирилади.

Нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасалар ўзларининг молиявий режаларини мустақил равишда ишлаб чиқадилар. Бунда бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган муассасалар харажатлар сметаларини ташкил қиладилар, ўзининг талабларига нафақат бюджет маблағлари ҳисобига, балки молиявий ресурсларнинг бошқа хил турлари билан жавоб берган ташкилот, муассасалар харажатлар ва даромадлар сметаларини ишлаб чиқарадилар. Тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг молиявий режаларидан сметанинг асосий фарқи шундан иборатки, сметада харажатлар тўлиқ кўрсатилади, даромадлар эса турли хил манбаларнинг қисмларидангина намоён бўлади.

Берилган маълумотларга кўра сметани тузиш учун назорат рақамлари ҳамда иқтисодий нормативлардан фойдаланилади.

*Назорат рақамлари* – бу белгиланган муассасанинг фаолият самарасини аниқлаш ҳамда унинг ривожланиш истиқболини аниқловчи кўрсаткичдир. Масалан, ўқув муассасаларда ўқийдиганларнинг ўқувчилар, студентлар сони ўртача йиллик ҳисобида ставкаларнинг миқдори мактабларда педагогик ишчиларнинг техникум ва олийгоҳларда профессор-ўқитувчилар таркиби; стационар тоифадаги медицина ташкилотларида - касалларнинг ётар-турар жойи, уларнинг ишлатилиши ҳамда медикларнинг ставкаларини ифодаловчи кўрсаткичлар ишлатилиши лозим, амбулатория- поликлиника муассасаларида касалларнинг докторлар қабулида бўлиши ва медикларнинг ставкалари миқдорини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади ва ҳоказо.

Молиявий режалаштиришда фойдаланилган иқтисодий нормативлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- амал қилувчи муассасани бюджет томонидан молиялаштириш;
- иш ҳақи фондини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш фондини ташкил қилиш;
- валюта маблағлари ҳисобига валюта ажратмалари фондини ташкил қилиш.

Бюджет томонидан молиялаштириш сарфларининг нормативлари аҳоли ва юридик шахсларга бепул хизмат кўрсатувчи муассаса фаолиятни таъминловчи молиявий маблағларнинг умумий суммасини ҳисоб – китоб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг назорат сонлари ва иқтисодий нормативларидан ташқари давлатнинг марказлашган капитал қўйилмалари ҳисобига янги қурилмалар ва объектларни ишга тушириш учун улар давлат буюртмаларини ҳам олишлари мумкин.

### **3.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари**

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш асосий ўринда туради. Республикамизнинг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, келажакда эса – уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Саноат ишлаб чиқаришини эркинлаштириш ва бу тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Техник ва технологик омил меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмини таъминлайди.

Маълумки, иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида техника тараққиётининг характери ва мазмуни ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида фан-техника тараққиёти ундаги миқдорий ўзгаришларгагина эмас, балки кўпроқ сифат ўзгаришларига қаратилади. Умуман, самарадорлик иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир, бу талаб фан-техника тараққиётига ҳам тўлиқ жорий этилади.

Саноат ишлаб чиқариши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилининг роли бекиёсдир. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг кудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб айтадилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илғор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қилади. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали руёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари ходимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга, муддаоларга ва психологик эътиқодларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилининг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак.


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг

ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислоом Абдуғаниевич Каримов Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида амалга оширилган, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида турган улкан вазифалар, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш каби ишларни изчил давом эттириш зарурлиги тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб ўтдилар.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади. Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди (3.2.1-расм).

### **3.2.1-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари**




Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Ушбу вазифани амалга ошириш доирасида мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди (3.2.2-расм).

### 3.2.2-расм. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



Натижада саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20-25 фоизга камайди. Республикамиз бўйича маҳсулотлар таннархини 2079,5 млрд. сўмга ёки 20,38 фоизга қисқартиришга эришилган.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири – турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш,

зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, узок давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли дастурларни амалга ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хомашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;

- халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;

- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;

- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;

- маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш;

- маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.


Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини даражасини кўтаришга салбий таъсир кўрсатаётган, юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун Вазирлар Маҳкамаси олдида бир қатор масалаларни (3.2.3-расм) ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Авваламбор, саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бу вазифани амалга ошириш саноат тармоқларида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича мавжуд резервларни аниқлаш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни материал ва энергияни тежайдиган замонавий ускуналар билан қуроллантириш, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, хомашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи тармоқлар хизматлари нархининг асосиз

ўсишини иқтисодий йўллар билан чеклаш, саноат кооперациясини кучайтириш ва хориждан олиб келинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.



### 3.2.3-расм. Иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар.

Республикаимизда қайта ишлаш саноатининг, айниқса қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши даражаси мамлакатимизда мавжуд саноат хомашёсини тўлиқ ва чуқур қайта ишлаш орқали рақобатдош, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етарли эмас.

Шу билан биргаликда, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида яна бири мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашдир. Улардан самарали

фойдаланиш масаласи айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янада долзарблашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда улардан ҳар тарафлама унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватларидан қанчалик тўла ва унумли фойдаланилса, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулотнинг таннархи камаяди, корхонанинг фойдаси ва самарадорлиги ошади.

Асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, капитал маблағ сарфламай қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик ўсишига ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда республикада улардан унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Саноат асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини оширишда корхоналарда технологик ускуналарнинг иш сменасини кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Ускуналардан интенсив фойдаланишни яхшилаш учун корхонанинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, машиналарнинг иш тезлигини ошириш, металл қуйишга, химиявий жараёнларга сарфланадиган вақтни қисқартириш, шунингдек, кадрлар малакасининг техникавий савиясини ошириш, корхоналарни йириклаштириш, ихтисослаштириш ва ҳамкорлик асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарур.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланиб, мамлакатимиз истеъмол буюмлари ва товарлари билан ўзини-ўзи таъминлайдиган мамлакатга айланди. Жаҳонда ҳом-ашё ресурсларининг танқислиги ва нархи мунтазам ошиб бораётган ҳозирги шароитда бу катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Бу эса бизга нодир ва тикланмайдиган ресурсларимизга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермайди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...ресурсларни тежашни асло кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб қабул қилишимиз, шунинг ҳисобидан товарлар, хизматларнинг нархини пасайтиришимиз ва иқтисодиётимизнинг ўсишини таъминлашимиз лозим».

Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва қайта инвестициялаштириш кўрсаткичларининг нисбатан паст бўлиши оқибатида корхоналарда фойдаланилаётган асосий фондларнинг катта қисми жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган бўлиб, уларни зудлик билан алмаштириш зарурияти вужудга келган.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона молиявий ресурсларини таъминлаш бўйича янги йўللарни топиш, таннархни пасайтирганда унинг сифатини йўқотмаган ҳолда, яъни хом-ашёларни маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиш, таннархни ҳисоблашни қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилди. Бу борада янги техника технологияларни жорий қилиш, малакали кадрларни жалб қилиш орқали мақсадга эришиш мумкин. Энг асосийси электроэнергиядан оқилона фойдаланиш ва модернизация қилиш муҳимдир.

Булардан ташқари давлат томонидан корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улардан экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар банклар томонидан бериладиган кредит ставкаларини камайтириш, солиқ юки бўйича имтиёзлар бериш, инқироз шароитида

маҳаллий бозорни қўллаб-қувватлаш асосан аҳолига ўзимизнинг маҳсулотларимиз орқали хизмат кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Глобаллашув мамлакатлар ривожланишида янги ақл бовар қилмайдиган қонуниятлар яратиши билан бир қаторда инсоният олдида янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Глобал молиявий инқироз шуни кўрсатдики, барча мамлакатларга таҳдид солаётган хавфни бартараф қилиш мақсадида координация ҳамкорликни мустаҳкамлашлари, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашлари лозим.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш, келгусида иқтисодий ўсиш учун муҳим замин ҳозирлайди. Ҳар қандай миллий иқтисодиёт кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, яъни ўтган йилга нисбатан кўпроқ маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни ўз олдида мақсад қилиб қўяди. Йилдан-йилга аҳоли сонининг ўсиши, кишилар эҳтиёжларининг борган сари ортиб такомиллашиб бориши кенгайтирилган ишлаб чиқаришни шарт қилиб қўяди.

Иқтисодиётнинг ривожланишини аниқлаш ва ҳисоблаш мамлакат иқтисодий тараққиётининг энг муҳим кўрсаткичи - ялпи ички маҳсулот билан боғлиқ ва у ЯИМ иш суръатларида ўз аксини топади. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлаш жаҳон бозорида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга ва корхоналарда шу жумладан хизмат соҳаси корхоналарида молиявий ресурсларни ошириш, улардан самарали фойдаланиш имконини яратади. Бизнинг фикримизча саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари қўйидагилар бўлиб ҳисобланади.

1. Молиявий ресурсларни ташкил этиш, тартибга солишга концептуал ёндашиш, корхоналар фаолиятини бошқариш тизимини ташкил этиш ва уни бозор муносабатлари орқали тартибга солиш шу жараёндан келиб чиқувчи шароитларни ҳисобга олишдир.

2. Молиявий ресурсларни ташкил этишни тартибга солиш субъектларининг корхоналар хўжалик фаолиятига, жумладан, ресурс таъминотига мақсадли таъсир кўрсатишига қаратилмоғи лозим.

3. Саноат корхоналари фаолиятида молиявий ресурсларни тартибга солиш жараёнининг объекти сифатида молиявий ресурслар ташкил топиши ва ишлатилиши, яъни молиявий таъминоти майдонга чиқади.

Молиявий маблағлар ташкил топиш манбаларининг таркиби кўпроқ корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакли билан белгиланади. Бироқ, мавжуд тафавудларига қарамай, маблағларни жалб этишнинг бош манбаи сифатида ҳамон тадбиркорлик фаолиятининг натижаси ва асосий мақсади бўлган фойда майдонга чиқади.

4. Молиявий ресурсларни бошқариш ва тартибга солиш корхоналарнинг стратегик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилиши лозим ва бунда тартибга солиш таъсирининг асосий мақсади молиявий сармояларнинг самарадорлигини таъминлашдан иборат, чунки қўйилган маблағларнинг юқори самарадорлиги молиявий барқарорликнинг иқтисодий кафолати, рақобатли ҳозирги шароитда фаолият кўрсатувчи хизмат соҳаси корхоналар яшовчанлиги ва хўжалик фаолиятида ўз-ўзини молиялаштириш тамойилининг амалиётда рўёбга чиқишининг муҳим асосидир.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда реал секторда ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг иқтисодий ўсишни таъминлаши ва маҳсулот ҳажми ўсишининг барқарорлашаётганлиги, агар мобилизациявий ривожланиш усулига таянилса, истиқболда ҳам мазкур тенденцияларнинг сақланиши ва ҳатто барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашишини

таъминлайди. Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикасида корхоналар фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмини муҳим рол ўйнаши эътиборга олинган ҳолда солиқ механизмининг ижобий таъсирини таъминлашга оид қўйидаги таклифлар берилди:

1. Корхоналардан ундириладиган солиқлар юқини янада камайтириш ва солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш зарур. Ушбу муаммони ҳал этиш учун корхоналардан ундириладиган солиқ, қатъий белгиланган солиқ ставкаларини пасайтириш, солиққа тортиладиган объектнинг бир қисмини агарда ушбу қисмлар инновацион хизматлар билан боғлиқ бўлса солиққа тортилмайдиган объект таркибига киритиш лозим.

2. Корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш мақсадида белгиланган давр мобайнида самарали имтиёзлар берилиши орқали улар фаолиятини янада рағбатлантириш ва шу ҳисобидан солиққа тортиш стратегиясини солиқ оғирлигини камайтиришга йўналтириш зарур.

3. Хорижий мамлакатларда солиққа тортиш мақсадида кичик хизмат соҳа корхоналарини аниқлаш мезонлари ўзига хос хусусиятга эгадир. Уларни аниқлаш тартиби бевосита давлатнинг ички ва ташқи манфатларидан келиб чиқиб, ишчилар сони ва даромадлилик даражасига қараб аниқланади. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш асосида, бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу муҳим жиҳатларни инобатга олиш керак.

Юқорида келтирилган барча йўналишлар корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашга ва улар ихтиёрида бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш вазифасини қўяди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., -Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ва қарорлар тўплами., -Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
3. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Мажлисидаги маърузаси, // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.
4. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Мажлисидаги маърузаси, // Халқ сўзи, 2014 йил 17 январь.
5. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Мажлисидаги маърузаси, // Халқ сўзи, 2012 йил 19 январь.
6. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
9. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
10. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза. 2005 йил 28 январь.
11. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлаштини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
17. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: КИТОБ-МОЛИЯ. 2008.
18. Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
19. Ваҳобов А., Сирожиддинова З., Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети, Ўқув қўлланма, - Т.: ТМИ, 2002.
20. Қосимова Г. Ҳазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
21. Зайцев Н.А. Экономика промышленности предприятия. М., «ИНФРА-М», 1996.
22. Верст И., Равентоу П.. Экономика фирмы. Учебник. М. «Высшая школа», 1994.
23. Махмудов Э.Х. «Корхона иқтисодиёти» Т., Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси Уюшмаси нашрети, 2004 йил.
24. Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти» Т.: ТДИУ, 2004 йил.
25. Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru/n/2005/10/c/6>
26. Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.
27. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности. – М.: Инфра-М., 2007, 256 стр.
28. Акрамов Э. “Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили”. – Т.: “Молия”, 2003.

29. [www.referat.uz](http://www.referat.uz) сайти.

30. [www.region.uz](http://www.region.uz)

31. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

32. [www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)

33. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)

34. [www.byudjet.uz](http://www.byudjet.uz)